

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУНЧИЛИК
ТЎПЛАМИ

19-сон
(987)
2021 йил
май

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

257. «Психиатрия ёрдами тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 12 майдаги ЎРҚ–690-сон Қонуни

Иккинчи бўлим

258. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 декабрдаги «2021 йилда расмий саналарни нишонлаш даврида қўшимча ишланмайдиган кунларни белгилаш ва дам олиш кунларини кўчириш тўғрисида»ги ПФ–6122-сон Фармонига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 майдаги ПФ–6222-сон Фармони

259. «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг моддий таъминотини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 майдаги ПФ–6224-сон Фармони

260. «Рамазон ҳайитини нишонлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 майдаги ПҚ–5110-сон қарори

261. «Хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 майдаги ПК–5113-сон қарори

Учинчи бўлим

262. «Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати маркази ҳузурда «Гидрометеорологияда ахборот технологияларини ривожлантириш маркази» давлат муассасаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 8 майдаги 289-сон қарори
263. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси қурилиш тармоғини модернизация қилиш, жадал ва инновацион ривожлантиришнинг 2021 — 2025 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида» 2020 йил 27 ноябрдаги ПФ–6119-сон Фармони)» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 8 майдаги 290-сон қарори
264. «Наманган вилоятининг Наманган шаҳри таркибида Янги Наманган туманини ташкил этиш билан боғлиқ ташкилий масалаларни ҳал этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 8 майдаги 293-сон қарори
265. «Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зонаси ҳамда Ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси тўғрисида низомларни тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 10 майдаги 294-сон қарори
266. «Самарқанд давлат университетининг Каттақўрғон филиали фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 18 майдаги 307-сон қарори
267. «Халқаро IT-сертификатларга эга ёш мутахассисларни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 19 майдаги 310-сон қарори
268. «Хорижий тилларни ўрганишни оммалаштиришни самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 19 майдаги 312-сон қарори

Бешинчи бўлим

269. Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2021 йил 22 апрелдаги 210-мх-сон

ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2021 йил 14 апрелдаги 1-сон «Мобиль алоқа хизматларини кўрсатувчи юридик шахслар (уяли алоқа компаниялари) томонидан абонент рақамидан фойдаланганлик учун тўловларни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 7-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 10 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2329-7*)

270. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитасининг 2021 йил 15 апрелдаги 01-02/12-25-сон «Йўловчи божхона декларациясини тўлдириш ва расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 10 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2606-6*)

271. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 16 апрелдаги 9-2021-сон, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 12 апрелдаги 20-2021-Қ/Қ-сон ҳамда Молия вазирлигининг 2021 йил 7 апрелдаги 22-сон «Олий таълим муассасалари бошқарув, техник, хизмат кўрсатувчи ва ўқув-ёрдамчи ходимларининг намунавий штатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 12 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2859-3*)

272. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2021 йил 12 майдаги 6-сон «Тиббий фаолият амалга ошириладиган тиббий ихтисосликлар турлари номенклатурасини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 12 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3303*)

Вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

257 Психиатрия ёрдами тўғрисида*Қонунчилик палатаси томонидан
2021 йил 3 мартда қабул қилинганСенат томонидан 2021 йил 23 апрелда
маъқулланган**1-боб. Умумий қоидалар****1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонуннинг мақсади психиатрия ёрдами кўрсатиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Психиатрия ёрдами тўғрисидаги қонунчилик

Психиатрия ёрдами тўғрисидаги қонунчилик ушбу Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг психиатрия ёрдами тўғрисидаги қонунчилигида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

маълумотларни билган ҳолда тиббий аралашувга ихтиёрий равишда розилик бериш — ўз соғлигининг ҳолати, руҳий ҳолати бузилганлигининг хусусияти ҳақидаги ҳамда касаллик ривожланишининг эҳтимолдаги прогнози, психиатрия ёрдами кўрсатиш мақсади, тартиби ва давом этиш муддати, ташхис қўйиш, даволаш усуллари ҳамда мазкур ёрдамни кўрсатиш жараёнида қўлланилиши мумкин бўлган дори воситалари, уларнинг ножўя таъсирлари ҳақида тушунарли тарзда тақдим этиладиган ахборотни англаб етишга лаёқатли бўлган шахс томонидан ёзма шаклда ифодаланган ихтиёрий розилик ёки унинг қонуний вакилининг ёзма розилиги;

психиатрия ёрдами — шахсларнинг руҳий соғлиғи ҳолатини текширувдан ўтказишга, руҳий ҳолатнинг бузилишларини профилактика қилишга, уларга ташхис қўйишга, руҳий ҳолати бузилган шахсларни даво-

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 12 майда эълон қилинган.

лаш, парваришлар ва тиббий-ижтимоий жиҳатдан реабилитация қилишга қаратилган махсус тадбирлар мажмуи;

психиатрия муассасаси — асосий вазифаси психиатрия ёрдами кўрсатишдан иборат бўлган тиббиёт муассасаси;

руҳий ҳолатнинг бузилиши — шахс руҳий ҳолатининг Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган Халқаро касалликлар таснифига мувофиқ тан олинган ўзгариши;

шифокор-психиатрлар комиссияси — соғлиқни сақлашни бошқариш органи томонидан тузилган, психиатрия ёрдами кўрсатиш билан боғлиқ масалалар юзасидан коллегиал равишда қарорлар қабул қилувчи уч нафар ёки ундан ортиқ шифокор-психиатрдан иборат бўлган комиссия;

қонуний вакиллар — ота-оналар (фарзандликка олувчилар), васийлар ёки руҳий ҳолати бузилган шахсларнинг манфаатларини ифода этишга, уларга психиатрия ёрдами кўрсатишда уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа шахслар.

4-модда. Ушбу Қонуннинг қўлланилиш соҳаси

Ушбу Қонуннинг амал қилиши Ўзбекистон Республикаси фуқароларига психиатрия ёрдами кўрсатишда уларга нисбатан, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудудда психиатрия ёрдами кўрсатишда иштирок этувчи юридик ва жисмоний шахсларга нисбатан татбиқ этилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудда турган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ўзларига психиатрия ёрдами кўрсатилишида ушбу Қонунда белгиланган барча ҳуқуқлардан Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари билан тенг равишда фойдаланади.

5-модда. Психиатрия ёрдами кўрсатишнинг асосий принциплари

Психиатрия ёрдами кўрсатишнинг асосий принциплари қонунийлик, ижтимоий ҳимояланганлик, инсонпарварлик, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этиш, ахборотнинг махфийлигидан иборатдир.

6-модда. Психиатрия ёрдами кўрсатиш ва ижтимоий ҳимоя қилиш кафолатлари

Давлат томонидан қуйидагилар кафолатланади:

давлат тиббиёт муассасаларида бирламчи тиббий-санитария ёрдами, ихтисослаштирилган тиббий ёрдам, тез ёрдам, шу жумладан ихтисослаштирилган тиббий тез ёрдам кўрсатиш чоғидаги бепул психиатрия ёрдами;

қонунчиликка мувофиқ барча турдаги психиатрия экспертизаларини ўтказиш;

тиббий-ижтимоий экспертиза комиссиясининг тегишли хулосаси мавжуд бўлган тақдирда, руҳий ҳолати бузилган шахсларга ижтимоий-маиший ёрдам кўрсатиш ва уларни ишга жойлаштиришга кўмаклашиш;

руҳий ҳолати бузилган шахсларнинг васийлик масалаларини ҳал қилиш;

психиатрия ёрдами кўрсатувчи тиббиёт муассасаларида, руҳий ҳолати бузилган шахслар учун мўлжалланган тиббий-ижтимоий муассасаларда ҳуқуқий масалалар бўйича маслаҳатлар бериш ва юридик ёрдамнинг бошқа турлари;

фавқулудда вазиятлар чоғидаги психиатрия ёрдами.

Руҳий ҳолати бузилган шахсларни психиатрия ёрдами билан таъминлаш ва ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш учун давлат:

психиатрия ёрдами кўрсатувчи барча турдаги муассасаларни, имконияти борича, руҳий ҳолати бузилган шахсларнинг яшаш жойида барпо этади;

руҳий ҳолати бузилган вояга етмаган шахсларнинг давлат ихтисослаштирилган таълим муассасаларида, умумий ўрта ва ўрта махсус таълим ташкилотларида таълим олишини ташкил этади;

руҳий ҳолати бузилган шахсларни реабилитация қилиш ва жамиятга қайта интеграция қилиш мақсадида улар учун мослаштирилган ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этган ҳолда, психиатрия муассасалари ҳудудида меҳнат терапияси, янги касб-хунарларга ўқитиш ва руҳий ҳолати бузилган шахсларни, шу жумладан ногиронлиги бўлган шахсларни ишга жойлаштириш учун давлат-хусусий шериклик шартлари асосида даволаш-ишлаб чиқариш корхоналарини барпо этади;

руҳий ҳолати бузилган шахсларни ишга жойлаштирувчи корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар учун иқтисодий рағбатлантириш (имтиёзлар, преференциялар бериш ва бошқалар) усулларини қўллайди;

руҳий ҳолати бузилган шахсларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш учун зарур бўлган бошқа чораларни кўради.

Руҳий ҳолати бузилган шахсларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан қонунчиликка мувофиқ уларга берилган ваколатлар доирасида амалга оширилади.

Психиатрия ёрдами кўрсатишни молиялаштириш «Соғлиқни сақлаш» соҳасига ажратиладиган бюджет маблағлари доирасида, психиатрия ёрдами кўрсатиш учун давлат томонидан қафолатланган ҳажмда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

7-модда. Психиатрия ёрдами сўраб мурожаат этишнинг ихтиёрийлиги

Психиатрия ёрдами шахс ихтиёрий равишда мурожаат этган ва унинг маълумотларни билган ҳолда тиббий аралашувга ихтиёрий розилиги мавжуд бўлган тақдирда кўрсатилади, бундан ушбу Қонунда назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Психиатрия ёрдами вояга етмаган шахсга ота-онасидан бирининг ёки бошқа қонуний вакилининг маълумотларни билган ҳолда тиббий аралашувга ихтиёрий розилиги мавжуд бўлган тақдирда, суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахсга эса унинг қонуний вакилининг маълумотларни билган ҳолда тиббий аралашувга ихтиёрий розилиги мавжуд бўлган тақдирда кўрсатилади.

8-модда. Рухий ҳолати бузилган шахсларнинг ҳуқуқлари

Рухий ҳолати бузилган шахслар Ўзбекистон Республикаси Конституциясида, қонунларида назарда тутилган фуқароларнинг барча ҳуқуқлари ва эркинликларига эгадир.

Рухий ҳолати бузилган шахслар ўзларига психиатрия ёрдами кўрсатилаётганда қўйидаги ҳуқуқларга эга бўлади:

ўз шаъни ва кадр-қиммати камситилишини истисно этадиган тарзда ҳурмат билан ва инсоний муносабатда бўлишини;

ўз ҳуқуқлари тўғрисидаги ахборотни, шунингдек ўзининг руҳий ҳолати инobatга олинган ҳолда ўзида мавжуд бўлган руҳий ҳолати бузилишининг хусусияти ва қўлланилаётган даволаш усуллари ҳақидаги ахборотни ўзи учун тушунарли шаклда, ўз вақтида ҳамда тўлиқ олиш;

психиатрия ёрдамини энг кам чекловли шароитларда, имкони борича, яшаш жойида олиш;

стационар шароитларда психиатрия ёрдами кўрсатадиган тиббиёт муассасасида фақат психиатрия ёрдами кўрсатиш учун зарур бўлган муддат мобайнида бўлиш;

тиббий кўрсатмалар бўйича даволашнинг барча турларидан фойдаланиш (шу жумладан санаторий-курортда даволаниш);

психиатрия ёрдамини санитария-гигиена талабларига жавоб берадиган шароитларда олиш;

профилактика, ташхис қўйиш, даволаш ва тиббий жиҳатдан реабилитация қилиш усулларининг, дори воситаларининг ҳамда тиббий буюмларининг, махсус шифобахш озик-овқат маҳсулотларининг, илмий тадқиқотларнинг ёки ўқувнинг синовлар объекти сифатида фойдаланилишга, шунингдек фото-, видео- ёки кинотасвирга олишга маълумотларни билган ҳолда ихтиёрий равишда розилик бериш ёки уларни рад этиш, шу жумладан тиббий аралашувнинг исталган босқичида рад этиш;

ушбу Қонун билан тартибга солинадиган масалалар юзасидан исталган шифокор-психиатрни шифокор-психиатрлар комиссиясида ишлаш учун ўз розилиги билан таклиф этиш;

адвокатдан ёки қонуний вакилдан ёрдам олиш.

Рухий ҳолати бузилган шахслар ўзига психиатрия ёрдами кўрсатилаётганида қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Рухий ҳолати бузилган шахсларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини чеклашга фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда йўл қўйилади. Рухий ҳолати бузилган шахсларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини фақат психиатрия ташхисига, диспансер кузатувида, психиатрия стационарида ёхуд тиббий-ижтимоий муассасада ёки давлат ихтисослаштирилган таълим муассасасида турганлик фактига асосланиб чеклашга йўл қўйилмайди, бундан қонунда назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Рухий ҳолати бузилган шахсларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини қонунга хилоф равишда чеклаганликда айбдор бўлган мансабдор шахслар қонунга мувофиқ жавобгар бўлади.

9-модда. Касбга доир фаолиятнинг ва ўта хавфли манба билан боғлиқ фаолиятнинг айрим турларини бажаришдаги чекловлар

Мажбурий психиатрия текширувидан ўтказиш натижаларига кўра шахс рухий ҳолати бузилганлиги оқибатида касбга доир фаолиятнинг ва ўта хавфли манба билан боғлиқ фаолиятнинг айрим турларини бажаришга вақтинча (кўпи билан беш йил муддатга ва кейин қайта текширувдан ўтиш ҳуқуқи билан) яроқсиз деб топилиши мумкин.

Шахсни касбга доир фаолиятнинг ва ўта хавфли манба билан боғлиқ фаолиятнинг айрим турларини бажаришга вақтинча яроқсиз деб топиш тўғрисидаги қарор шахснинг рухий соғлиғи ҳолатини тиббий қарши кўрсатмалар рўйхатига мувофиқ баҳолаш асосида шифокор-психиатрлар комиссияси томонидан қабул қилинади ва қарор устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

Касбга доир фаолиятнинг ва ўта хавфли манба билан боғлиқ фаолиятнинг айрим турларини амалга ошириш учун тиббий қарши кўрсатмалар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади ҳамда тўпланган тажриба ва илмий ютуқлар ҳисобга олинган ҳолда вақти-вақти билан қайта кўриб чиқилади.

10-модда. Психиатрия ёрдами кўрсатилаётган шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини ифодалаш

Шахс психиатрия ёрдами кўрсатилаётганда ўз ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун ўз хоҳишига кўра вакилни таклиф этишга ҳақли. Вакилликни расмийлаштириш қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахсга психиатрия ёрдами кўрсатишда унинг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни васий, вояга етмаган шахснинг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни эса ота-онасидан бири ёки бошқа қонуний вакили амалга оширади.

Шахсга психиатрия ёрдами кўрсатишда унинг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни бепул юридик ёрдам тарзида адвокат, шунингдек бепул юридик ёрдам кўрсатишга ваколатли бўлган бошқа шахс амалга ошириши мумкин.

Шахслар ўзига психиатрия ёрдами кўрсатилаётганда давлатнинг бепул юридик ёрдам тизими доирасида бепул юридик ёрдам олиш ҳуқуқига эгадир.

Психиатрия муассасаси адвокат таклиф этиш имкониятини таъминлайди, бундан ушбу Қонун 24-моддасининг еттинчи қисмида ва 31-моддасида назарда тутилган ҳоллар мустасно.

11-модда. Шахснинг рухий соғлиғи ҳолати тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш ҳақидаги талабни тақиқлаш

Шахс ўз ҳуқуқлари ва эркинликларини рўёбга чиқараётганда унинг

руҳий соғлигининг ҳолати тўғрисидаги маълумотларни учинчи шахслар томонидан тақдим этишни ёхуд унинг шифокор-психиатр текширувидан ўтишини талаб қилиш тақиқланади, бундан қонунда белгиланган ҳоллар мустасно.

12-модда. Психиатрия ёрдами кўрсатишда шифокор сирини сақлаш

Шахсда руҳий ҳолатнинг бузилиши мавжудлиги, у психиатрия ёрдами учун мурожаат этганлиги фактлари тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек унинг руҳий соғлигининг ҳолати ҳақидаги бошқа маълумотлар қонун билан қўриқланидиган шифокор сирини ҳисобланади.

Руҳий ҳолати бузилган шахснинг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқариш учун унинг илтимосига ёхуд қонуний вакилининг илтимосига биноан унга ва унинг қонуний вакилига мазкур шахс руҳий соғлигининг ҳолати ҳақида ҳамда унга кўрсатилган психиатрия ёрдами тўғрисида тушунарли шаклда ва руҳий ҳолати бузилган шахснинг руҳий ҳолатини ҳисобга олган ҳолда маълумотлар тақдим этилади.

13-модда. Руҳий ҳолати бузилган шахсларга ташхис қўйиш, уларни даволаш ва реабилитация қилиш

Руҳий ҳолатнинг бузилганлиги ташхиси умумэътироф этилган халқаро стандартлар ва таснифларга мувофиқ қўйилади ҳамда шахснинг жамиятда қабул қилинган ахлоқий, маданий, сиёсий ва диний қадриятларни рад этишига ёхуд унинг руҳий соғлиғи ҳолатига бевосита боғлиқ бўлмаган бошқа сабабларга асосланиши мумкин эмас.

Руҳий ҳолати бузилган шахсга ташхис қўйиш, уни даволаш ва реабилитация қилиш учун қонунчилик билан руҳсат этилган усуллар, шунингдек белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган дори воситалари ҳамда тиббий буюмлар қўлланилади.

Ташхис қўйиш, даволаш ва реабилитация қилиш усуллари, шунингдек дори воситалари ҳамда тиббий буюмлар хасталикнинг хусусиятига мувофиқ фақат ташхис қўйиш, даволаш ва реабилитация қилиш мақсадида қўлланилади ҳамда улардан руҳий ҳолати бузилган шахсни жазолаш ёки бошқа мақсадлар учун фойдаланилмаслиги керак.

14-модда. Маълумотларни билган ҳолда тиббий аралашувга ихтиёрий равишда розилик бериш

Руҳий ҳолати бузилган шахсга нисбатан тиббий аралашув унинг маълумотларни билган ҳолда ихтиёрий розилиги мавжуд бўлганда амалга оширилади, бундан ушбу модданинг бешинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Шифокор-психиатр руҳий ҳолати бузилган шахсга унинг руҳий ҳолатининг хусусияти, тавсия этилаётган даволашнинг мақсади, усуллари, шу жумладан муқобил усуллари ва даволашнинг давомийлиги ҳақида, шунингдек эҳтимол тутилган хавф, ножўя таъсирлар ва кутилаётган натижалар

тўғрисида тушунарли шаклда ва унинг руҳий ҳолатини ҳисобга олган ҳолда ахборот тақдим этиши шарт. Шифокор-психиатр тақдим этилган ахборот тўғрисида тиббий ҳужжатларга ёзиб қўяди.

Вояга етмаган шахсга нисбатан маълумотларни билган ҳолда тиббий аралашувга ихтиёрий розиликни ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган маълумотлар шундай розиликни берадиган шахсга маълум қилинганидан кейин ота-онасидан бири ёки бошқа қонуний вакили беради, суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахсга нисбатан эса унинг қонуний вакили розилик беради.

Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахснинг қонуний вакили маълумотларни билган ҳолда тиббий аралашувга ихтиёрий равишда розилик берганлиги ҳақида васийлигидаги шахснинг яшаш жойидаги васийлик ва ҳомийлик органини хабардор қилади.

Руҳий ҳолати бузилган шахснинг ёки унинг қонуний вакилининг маълумотларни билган ҳолда тиббий аралашувга ихтиёрий розилигисиз даволаш фақат тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш чоғида, шунингдек психиатрия муассасасига ғайриихтиёрий тартибда ётқизилганда амалга оширилиши мумкин.

Ушбу модданинг бешинчи қисмида кўрсатилган шахсларга нисбатан руҳий ҳолат бузилишларини даволаш учун асл ҳолига қайтариб бўлмайдиган оқибатларни келтириб чиқарадиган жарроҳлик усулларини ҳамда бошқа усулларни қўллашга, шунингдек уларда профилактика, ташхис қўйиш, даволаш ва тиббий реабилитация қилиш усуллари, тиббиёт учун мўлжалланган дори воситалари ва буюмлари, махсус шифобахш озик-овқат маҳсулотлари синовларини ўтказишга йўл қўйилмайди.

15-модда. Даволанишни рад қилиш

Руҳий ҳолати бузилган шахс, руҳий ҳолати бузилган вояга етмаган шахснинг ота-онасидан бири ёки бошқа қонуний вакили, суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахснинг қонуний вакили тақлиф этилаётган даволанишни рад қилиш ёки уни тугатишни талаб қилиш ҳуқуқига эга, бундан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланилган ёхуд психиатрия муассасасига ғайриихтиёрий тартибда ётқизилган ҳоллар мустасно.

Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахснинг қонуний вакили даволанишни рад қилиш ёки уни тугатиш тўғрисида даволаниш рад этилган ёхуд тугатилган куннинг эртасидан кечиктирмай ўз васийлиги остидаги шахснинг яшаш жойидаги васийлик ва ҳомийлик органини хабардор қилади.

Даволанишни рад этган шахсга ёки унинг қонуний вакилига бундай рад этишнинг ёхуд даволанишни тугатишнинг эҳтимол тутилган оқибатлари тушунтирилиши керак. Даволанишни рад этиш, рад этиш кунда тиббий ҳужжатга эҳтимол тутилган оқибатлар тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган ҳолда ёзиб қўйиш орқали ва даволанишни рад этган шахснинг ёки унинг қонуний вакилининг, шунингдек шифокор-психиатрнинг имзоси билан расмийлаштирилади.

16-модда. Тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари

Рухий ҳолати бузилган шахсларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал ва Жиноят-ижроия кодексларида назарда тутилган асослар бўйича ҳамда тартибда суднинг қарорига кўра қўлланилади.

Рухий ҳолати бузилган шахсларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимининг психиатрия муассасалари томонидан, озодликдан маҳрум этиш тартибдаги жазога ҳукм қилинган шахсларга нисбатан эса ички ишлар органларининг жазони ўташ жойидаги тиббиёт муассасалари томонидан қўлланилади.

Ўзига нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланилган Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимининг психиатрия муассасаларида турган шахслар психиатрия стационарида турган рухий ҳолати бузилган шахсларнинг ҳуқуқларидан фойдаланади.

Ўзига нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланилган Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимининг психиатрия муассасаларида турган шахслар мазкур муассасада бўладиган бутун даврда меҳнатга лаёқатсиз деб топилади ва шифокор-психиатр ҳузурда мажбурий амбулатория кузатувида ва даволанишда турган шахслар билан тенг равишда давлат ижтимоий сўғуртаси бўйича нафақа олиш ёки умумий асосларда пенсия олиш ҳуқуқига эга.

17-модда. Суд-психиатрия экспертизаси

Жиноят, фуқаролик ишлари ва маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар бўйича суд-психиатрия экспертизаси қонунчиликда назарда тутилган асосларга кўра ҳамда тартибда амалга оширилади.

18-модда. Шахснинг ҳарбий хизматга яроқлилиги тўғрисидаги масалани ҳал қилиш чоғида психиатрия текширувини ўтказиш

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг, Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат хавфсизлик хизматининг, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат хавфсизлик хизматининг, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг ҳарбий хизматчиси сифатида шахснинг, шу жумладан ички ишлар органлари, Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, хизмат фаолияти ҳақиқий ҳарбий хизматга тенглаштирилладиган бошқа вазирликлар ва идораларнинг бошлиқлар ҳамда оддий аскарлар таркибидан бўлган шахсларнинг ўз рухий соғлиғининг ҳолатига кўра ҳарбий хизматга яроқлилиги тўғрисидаги масалани ҳал қилиш чоғида амбулатор ва стационар шароитларда психиатрия текширувидан ўтказиш асослари ҳамда тартиби ушбу Қонун ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида тинчлик ва уруш даврида тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги низом билан белгиланади.

2-боб. Психиатрия ёрдами кўрсатувчи муассасалар ва шахслар. Тиббиёт ходимларининг ҳамда бошқа мутахассисларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

19-модда. Психиатрия ёрдами кўрсатувчи муассасалар

Психиатрия ёрдамини психиатрия муассасалари, давлат ва хусусий тиббиёт муассасалари, рухий ҳолати бузилган шахслар учун мўлжалланган тиббий-ижтимоий муассасалар кўрсатади.

Рухий ҳолатнинг бузилишига ташхис қўйиш, уни даволаш ва реабилитация қилиш бўйича хусусий тиббиёт муассасалари томонидан кўрсатиладиган хизматлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланади.

Психиатрия ёрдамининг турлари юридик шахсларнинг таъсис ҳужжатларида кўрсатилади. Давлат ва хусусий тиббиёт муассасалари, рухий ҳолати бузилган шахслар учун мўлжалланган тиббий-ижтимоий муассасалар томонидан кўрсатиладиган психиатрия ёрдамининг турлари ҳақидаги ахборот фуқаролар учун очик бўлиши керак.

20-модда. Психиатрия ёрдами кўрсатиш бўйича фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқи

Махсус олий тиббий маълумотга эга бўлган тиббиёт ходимлари (шифокор-психиатр, тиббий психолог ва психотерапевт) психиатрия ёрдами кўрсатиш бўйича шифокорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга. Психиатрия ёрдами кўрсатишда иштирок этувчи тиббиёт ходимлари ва бошқа мутахассислар рухий ҳолати бузилган шахслар билан ишлаш учун махсус тайёргарликдан ўтиши керак.

Юридик шахсларга «Психиатрия ёрдами» ихтисослиги бўйича тиббий фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун лицензиялар бериш тартиби қонунчиликда белгиланади.

Психиатрия ёрдами кўрсатишга ихтисослашган юридик шахслар томонидан кўрсатиладиган психиатрия ёрдамининг турлари таъсис ҳужжатларида ёки лицензия талаблари ва шартларида кўрсатилади.

21-модда. Тиббиёт ходимларининг ҳамда бошқа мутахассисларнинг психиатрия ёрдами кўрсатиш чоғидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Рухий ҳолатнинг бузилиши ташхисини қўйиш фақат шифокор-психиатр томонидан амалга оширилади.

Ғайриихтиёрий тартибда психиатрия ёрдами кўрсатиш зарурлиги тўғрисида қарор қабул қилиш ёхуд бу масалани кўриб чиқиш учун ҳулоса бериш фақат шифокор-психиатрлар комиссияси томонидан амалга оширилади.

Психиатрия ёрдами кўрсатишда иштирок этаётган тиббиёт ходимларининг ва бошқа мутахассисларнинг фаолияти касбга оид одоб-ахлоққа асосланади ҳамда қонунга мувофиқ амалга оширилади.

Бошқа ихтисосликдаги шифокорнинг шахснинг рухий соғлиғи ҳолати

тўғрисидаги хулосаси дастлабки хусусиятга эга бўлади ҳамда шахсининг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини чеклаш тўғрисидаги масалани ҳал қилиш учун, шунингдек руҳий ҳолати бузилган шахслар учун қонунда назарда тутилган кафолатларни унга бериш учун асос бўлмайди.

22-модда. Шифокор-психиатрнинг психиатрия ёрдами кўрсатиш чоғидаги мустақиллиги

Психиатрия ёрдами кўрсатиш чоғида шифокор-психиатр ўз қарорларини қабул қилишда мустақил бўлиб, у фақат тиббий кўрсатувларга, шифокорлик бурчига ва қонунга амал қилади.

Шифокор-психиатрлар комиссияси қарорига ўз фикри мос келмаган шифокор-психиатр ўзининг хулосасини беришга ҳақли бўлиб, хулоса тиббий ҳужжатларга илова қилинади.

23-модда. Психиатрия ёрдами кўрсатишда иштирок этувчи тиббиёт ходимларига ва бошқа ходимларга кафолатлар

Психиатрия ёрдами кўрсатишда иштирок этувчи тиббиёт ходимлари ва бошқа ходимлар қонунчиликка мувофиқ иш вақтининг қисқартирилган давомийлиги, ҳар йилги қўшимча меҳнат таътили олиш, зарарли ва (ёки) хавфли меҳнат шароитларида ишлаганлик учун умумий белгиланган ёши камайтирилган ҳолда пенсияга чиқиш ҳуқуқига эга.

Психиатрия ёрдами кўрсатишда иштирок этувчи тиббиёт ходимлари ва бошқа ходимлар иш вақтининг, ҳар йилги қўшимча меҳнат таътилининг давомийлиги, умумий белгиланган ёш камайтирилган ҳолда пенсияга чиқиш тартиби, шунингдек уларнинг махсус ҳар ойлик устамаси миқдорлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Психиатрия ёрдами кўрсатишда иштирок этувчи тиббиёт ходимлари ва бошқа ходимлар ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалардан ҳамда касб касалликларидан қонунчиликда белгиланган тартибда давлат мажбурий ижтимоий суғуртаси қилиниши лозим.

3-боб. Психиатрия ёрдамининг турлари ва уларни кўрсатиш тартиби

24-модда. Психиатрия текширувидан ўтказиш

Психиатрия текширувидан ўтказиш текширилаётган шахсда руҳий ҳолати бузилишининг мавжудлигини, психиатрия ёрдами кўрсатишга бўлган заруриятни аниқлаш, шунингдек бундай ёрдам тури ҳақидаги масалани ҳал қилиш учун амалга оширилади.

Психиатрия текшируви текширилаётган шахсининг маълумотларни билган ҳолда текширув ўтказилишига ихтиёрий розилиги мавжуд бўлган тақдирда амалга оширилади.

Вояга етмаган шахсни психиатрия текширувидан ўтказиш ота-онасидан бирининг ёхуд бошқа қонуний вакилининг ушбу текширувни ўтказишга

маълумотларни билган ҳолда ихтиёрий розилиги мавжуд бўлганда, суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахсга нисбатан эса, бундай шахс қонуний вакилининг маълумотларни билган ҳолда психиатрия текшируви ўтказилишига ихтиёрий розилиги мавжуд бўлганда амалга оширилади.

Ота-онасидан бири рози бўлмаган ёхуд ота-онаси ёки бошқа қонуний вакили мавжуд бўлмаган тақдирда вояга етмаган шахсни психиатрия текширувидан ўтказиш васийлик ва ҳомийлик органининг қарорига биноан амалга оширилади, қарор устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахснинг қонуний вакили васийлигидаги шахсни психиатрия текширувидан ўтказиш учун маълумотларни билган ҳолда ихтиёрий равишда розилик берганлиги ҳақида васийлигидаги шахснинг яшаш жойидаги васийлик ва ҳомийлик органини хабардор қилади.

Психиатрия текширувини ўтказувчи шифокор-психиатр текширилаётган шахсга ва унинг қонуний вакилига ўзини психиатр сифатида таништириши шарт, бундан ушбу модда еттинчи қисмининг иккинчи хатбошисида назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Мавжуд маълумотларга кўра, текширилаётган шахс унда оғир руҳий ҳолатнинг қуйидагилар билан боғлиқ бузилиши мавжуд деб тахмин қилиш учун асос бўладиган ҳаракатларни содир этган ҳолларда, шахсни психиатрия текширувидан ўтказиш ушбу шахснинг маълумотларни билган ҳолдаги ихтиёрий розилигисиз ёки қонуний вакилнинг маълумотларни билган ҳолдаги ихтиёрий розилигисиз амалга оширилиши мумкин:

унинг ўзи учун ёки атрофдагилар учун бевосита хавф солиши;

унинг ёрдамга муҳтожлиги, яъни асосий ҳаётий эҳтиёжларини мустақил равишда қаноатлантиришга лаёқатсизлиги;

агар шахс психиатрия ёрдами кўрсатилмасдан қолдирилгудек бўлса, руҳий ҳолати ёмонлашуви туфайли унинг соғлиғига жиддий зарар етиши.

Агар текширилаётган шахс ушбу Қонун 28-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган асослар бўйича диспансер кузатувида турган бўлса, уни психиатрия текширувидан ўтказиш унинг маълумотларни билган ҳолдаги ихтиёрий розилигисиз ёки қонуний вакилининг маълумотларни билган ҳолдаги ихтиёрий розилигисиз амалга оширилиши мумкин.

Психиатрия текширувидан ўтказишга оид маълумотлар ва текширилаётган шахснинг руҳий соғлиғи ҳолати тўғрисидаги хулоса тиббий ҳужжатларда қайд этилиб, уларда шифокор-психиатрга мурожаат қилиш сабаблари ҳамда тиббий тавсиялар кўрсатилади.

25-модда. Шахсни ўзининг розилигисиз ёки қонуний вакилининг розилигисиз психиатрия текширувидан ўтказиш тартиби

Ушбу Қонун 24-моддасининг еттинчи қисми иккинчи хатбошисида ва саккизинчи қисмида назарда тутилган ҳолларда шахсни психиатрия текширувидан ўтказиш тўғрисидаги қарор шифокор-психиатр томонидан ушбу шахснинг розилигисиз ёки қонуний вакилининг розилигисиз мустақил ра-

вишда, ушбу Қонуннинг 26-моддасида назарда тутилган тартибда қабул қилинади.

Ушбу Қонун 24-моддаси еттинчи қисмининг учинчи ва тўртинчи хатбошиларида назарда тутилган ҳолларда шахсни ўзининг розилигисиз ёки қонуний вакилининг розилигисиз психиатрия текширувидан ўтказиш тўғрисидаги қарор суд томонидан чиқарилади.

26-модда. Шахсни ўзининг розилигисиз ёки қонуний вакилининг розилигисиз психиатрия текширувидан ўтказиш тўғрисида ариза бериш ва қарор қабул қилиш тартиби

Шахсни ўзининг розилигисиз ёки қонуний вакилининг розилигисиз психиатрия текширувидан ўтказиш тўғрисидаги қарор шундай текширув ўтказиш учун ушбу Қонун 24-моддасининг еттинчи қисмида санаб ўтилган асослар мавжудлиги ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олган ёзма аризага биноан шифокор-психиатр томонидан қабул қилинади, бундан ушбу Қонун 24-моддасининг саккизинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Ёзма ариза психиатрия текширувидан ўтказилиши лозим бўлган шахсининг қариндошлари, ҳар қандай тиббий ихтисосликдаги шифокор, мансабдор шахслар ва бошқа фуқаролар томонидан берилиши мумкин.

Ушбу Қонун 24-моддаси еттинчи қисмининг иккинчи хатбошисида назарда тутилган ҳолларда ариза оғзаки шаклда ҳам берилиши мумкин. Шахсни психиатрия текширувидан ўтказиш тўғрисидаги қарор шифокор-психиатр томонидан дарҳол қабул қилинади ва тиббий ҳужжатларга ёзиб қўйиш орқали расмийлаштирилади.

Шахс ўзи учун ёки атрофидагилар учун бевосита хавф туғдирмаган тақдирда, психиатрия текшируви ўтказиш тўғрисидаги ариза ёзма шаклда берилиши, шундай текширув ўтказиш зарурлигини асословчи батафсил маълумотларни ва шахс ёки унинг қонуний вакили шифокор-психиатрга мурожаат этишни рад этганлигига доир кўрсатмани ўз ичига олган бўлиши керак. Шифокор-психиатр қарор қабул қилиш учун зарур бўлган қўшимча маълумотларни сўраб олишга ҳақли. Аризада ушбу Қонун 24-моддаси еттинчи қисмининг учинчи ва тўртинчи хатбошиларида назарда тутилган ҳолатлар мавжудлиги тўғрисида далолат берувчи маълумотлар мавжуд эмаслигини аниқлаб, шифокор-психиатр психиатрия текшируви ўтказишни ёзма равишда асослантирилган ҳолда рад этади.

Шахсни ўзининг розилигисиз ёки қонуний вакилининг розилигисиз психиатрия текширувидан ўтказиш тўғрисидаги ариза асосли бўлганида шифокор-психиатрнинг бундай текширув ўтказиш зарурлиги ҳақидаги ёзма хулосаси, шунингдек шахсни текширувдан ўтказиш тўғрисидаги ариза ва бошқа мавжуд материаллар тегишли тиббиёт муассасаси томонидан шахсининг яшаш жойидаги судга юборилади.

Суд психиатрия текшируви ўтказиш тўғрисидаги масалани барча материаллар олинган пайтдан эътиборан қирқ саккиз соат ичида ҳал қилади.

27-модда. Амбулатория шароитларида кўрсатиладиган психиатрия ёрдами

Рухий ҳолати бузилган шахсга нисбатан тиббий кўрсатмаларга қараб амбулатория шароитларида профилактика, ташхис қўйиш, даволаш, тиббий жиҳатдан реабилитация қилиш ва диспансер кузатуви амалга оширилади.

Амбулатория шароитларидаги психиатрия ёрдами (бундан диспансер кузатуви мустасно) руҳий ҳолати бузилган шахс ушбу Қонуннинг 7-моддасига мувофиқ ихтиёрий равишда мурожаат этганда кўрсатилади.

28-модда. Диспансер кузатуви

Диспансер кузатуви руҳий ҳолатнинг оғир барқарор ёки тез-тез зўрайиб турувчи касаллик белгилари бўлган сурункали ва узоқ давом этадиган бузилишига чалинган шахснинг розилигидан, шунингдек унинг қонуний вакилининг розилигидан қатъи назар, ўрнатилиши мумкин.

Диспансер кузатувини ўрнатиш зарурлиги ҳақидаги ва уни тугатиш тўғрисидаги қарор шифокор-психиатрлар комиссияси томонидан қабул қилинади.

Агар даволаш-профилактика муассасаси хизмат кўрсатадиган ҳудудда психиатрия ёрдами битта шифокор-психиатр томонидан кўрсатилса, диспансер кузатувини ўрнатиш зарурлиги тўғрисидаги қарорни у мустақил равишда уч ойдан ошмаган муддатга қабул қилади. Бу ҳолда диспансер кузатувини ўрнатиш зарурлиги тўғрисидаги ва уни тугатиш ҳақидаги масала шифокор-психиатрлар комиссияси томонидан уч ой ичида кўриб чиқилиши керак.

Шифокор-психиатрлар комиссиясининг асослантирилган қарори тиббий ҳужжатларга ёзиб қўйиш орқали ва Диспансер кузатувида турган руҳий ҳолати бузилган шахсларнинг ягона электрон реестрига тегишли ахборот киритилган ҳолда расмийлаштирилади.

Диспансер кузатуви шахс соғайиб кетганда ёки унинг руҳий ҳолати сезиларли ва турғун яхшиланганда тугатилади. Диспансер кузатуви тугатилганидан кейин амбулатория шароитларидаги психиатрия ёрдами ушбу Қонуннинг 7-моддасида назарда тутилган асослар бўйича ва тартибда мазкур шахснинг илтимосига кўра ёки розилиги билан ёхуд унинг қонуний вакилининг илтимосига кўра ёки розилиги билан кўрсатилади.

Рухий ҳолати бузилган шахснинг руҳий ҳолати ўзгарган тақдирда, у ушбу Қонуннинг 24 ва 25-моддаларида назарда тутилган асослар бўйича ҳамда тартибда ўзининг розилигисиз ёки қонуний вакилининг розилигисиз текширувдан ўтказилиши мумкин. Бундай ҳолларда диспансер кузатуви шифокор-психиатрлар комиссиясининг қарорига биноан қайтадан ўрнатилиши мумкин.

29-модда. Диспансер кузатувида турган руҳий ҳолати бузилган шахсларнинг ягона электрон реестри

Диспансер кузатувида турган руҳий ҳолати бузилган шахсларнинг ягона электрон реестри (бундан буён матнда Ягона реестр деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан юритилади.

Ягона реестр рухий ҳолати бузилган шахслар ҳақидаги қўйидаги мажбурий ахборотни ўз ичига олади:

паспорт маълумотлари (идентификацияловчи ID-карта маълумотлари);

диспансер кузатуви ўрнатилган ва тугатилган саналар;

психиатрия муассасаларида бўлиш муддатлари;

берилган дори воситалари, кўрсатилган ижтимоий хизматлар ва тақдим этилган имтиёзлар тўғрисидаги маълумотлар.

Ягона реестр рухий ҳолати бузилган шахслар ҳақидаги бошқа ахборотни ҳам ўз ичига олиши мумкин.

Ягона реестрни яратиш, унга техник хизмат кўрсатиш ва мунтазам равишда янгилаш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бюджетдан ташқари манбалари ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қопланади.

Ягона реестрдан фойдаланишга мазкур реестрдаги ахборотнинг махфийлиги таъминланган ҳолда, фақат Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланадиган шахсларга рухсат этилади.

30-модда. Психиатрия стационарига ётқизиш учун асослар

Психиатрия стационарига ётқизиш учун шахсда рухий ҳолатнинг бузилиши мавжудлиги ва шифокор-психиатрнинг стационар шароитларида текширувдан ўтказиш ёки даволаш тўғрисидаги қарори ёхуд суднинг қарори асос бўлади.

Қонунчиликда белгиланган ҳолларда ва тартибда психиатрия экспертизасини ўтказиш зарурати ҳам психиатрия стационарига ётқизиш учун асос бўлиши мумкин.

Шахсни психиатрия стационарига ётқизиш ихтиёрий равишда унинг илтимосига биноан ёки розилиги билан амалга оширилади, бундан ушбу Қонуннинг 31-моддасида назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Вояга етмаган шахсни психиатрия стационарига ётқизиш унинг ота-онасининг ёки бошқа қонуний вакилининг илтимосига биноан ёки розилиги билан амалга оширилади. Ота-онасидан бири рози бўлмаган тақдирда ёхуд ота-онаси ёки бошқа қонуний вакили мавжуд бўлмаганда, вояга етмаган шахсни психиатрия стационарига ётқизиш васийлик ва ҳомийлик органининг қарорига биноан амалга оширилади, бу қарор устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахс унинг қонуний вакилининг илтимосига биноан ёки розилиги билан психиатрия стационарига ётқизилади.

Стационарга ётқизишга розилик тиббий ҳужжатларга ёзиб қўйиш орқали ва рухий ҳолати бузилган шахснинг ёки унинг қонуний вакилининг, шунингдек шифокор-психиатрнинг имзоси билан расмийлаштирилади.

31-модда. Психиатрия стационарига ғайриихтиёрий тартибда ётқизиш учун асослар

Шахсни ғайриихтиёрий тартибда психиатрия стационарига ётқизиш

суднинг қарорига кўра Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Агар руҳий ҳолати бузилган шахсни фақат стационар шароитларида текширувдан ўтказиш ёки даволаш мумкин бўлса, руҳий ҳолатнинг бузилиши эса оғир ҳамда қуйидагилар билан боғлиқ бўлса, бу шахс ўзининг розилигисиз ёки қонуний вакилининг розилигисиз суд қарори чиқарилмасиданоқ психиатрия стационарига ётқизилиши мумкин:

унинг ўзи учун ёки атрофидагилар учун бевосита хавф солиш эҳтимоли;

унинг ёрдамга муҳтожлиги, яъни асосий ҳаётий эҳтиёжларни мустақил равишда қаноатлантиришга лаёқатсизлиги;

агар шахс психиатрия ёрдами кўрсатилмасдан қолдирилгудек бўлса, руҳий ҳолати ёмонлашуви туфайли унинг соғлигига жиддий зарар етиши.

32-модда. Психиатрия ёрдами кўрсатиш чоғида хавфсизликни таъминлаш чоралари

Стационар шароитлардаги психиатрия ёрдами стационарга ётқизилган шахснинг ва бошқа шахсларнинг хавфсизлигини таъминлайдиган шароитларда, тиббиёт ходимлари томонидан унинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларига риоя этилган ҳолда амалга оширилади.

Психиатрия стационарига ғайриихтиёрий равишда ётқизилганда ва бу ерда бўлганда жисмоний сиқувга олиш ва ажратиб қўйиш чоралари фақат шифокор-психиатрнинг ҳулосасига кўра, шахснинг ўзи учун ёки бошқа шахслар учун бевосита хавф туғдирувчи ҳаракатларини бошқа усуллар билан бартараф этиш мумкин бўлмаган ҳолларда ва даврда қўлланилади ҳамда тиббиёт ходимларининг доимий назорати остида амалга оширилади. Жисмоний сиқувга олиш ёки ажратиб қўйиш чораларини қўллаш шакллари ва вақти ҳақида тиббий ҳужжатларга ёзиб қўйилади.

Ички ишлар органларининг ходимлари стационарга ғайриихтиёрий равишда ётқизишни амалга ошириш чоғида тиббиёт ходимларига ёрдам кўрсатиши ҳамда стационарга ётқизилаётган шахс билан мулоқотда бўлиш ва уни кўздан кечириш учун хавфсиз шароитларни таъминлаши шарт.

Стационарга ётқизилаётган шахснинг атрофидагилар ҳаёти ва соғлигига хавф солувчи ҳаракатларини бартараф этиш зарур бўлган ҳолларда, шунингдек стационарга ётқизилиши лозим бўлган шахсни қидириш ҳамда ушлаш зарурати бўлганда ички ишлар органларининг ходимлари қонунчиликда белгиланган тартибда ҳаракат қилади.

33-модда. Ўз қонуний вакилларининг илтимосига биноан ёки розилиги билан психиатрия стационарига ётқизилган вояга етмаган шахсларни ва суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахсларни текширувдан ўтказиш

Ўз қонуний вакилларининг илтимосига биноан ёки розилиги билан психиатрия стационарига ётқизилган вояга етмаган шахс ва суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахс ушбу Қонун 34-моддасининг би-

ринчи қисмида назарда тутилган тартибда шифокор-психиатрлар комиссияси томонидан мажбурий текширувдан ўтказилиши лозим. Дастлабки олти ой ичида бу шахслар стационарда ётишни узайтириш тўғрисидаги масалани ҳал қилиш учун шифокор-психиатрлар комиссияси томонидан ҳар ойда камида бир марта текширувдан ўтказилиши лозим.

Стационарда ётиш олти ойдан ортиқ узайтирилган тақдирда, руҳий ҳолати бузилган шахсни текширувдан ўтказиш шифокор-психиатрлар комиссияси томонидан олти ойда камида бир марта амалга оширилади.

Шифокор-психиатрлар комиссияси ёки психиатрия стационари маъмурияти вояга етмаган шахсни ёки суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахсни стационарга ётқизишда йўл қўйилган суиистеъмоликларни аниқлаган тақдирда, психиатрия стационари маъмурияти бу ҳақда васийликдаги шахснинг турар жойидаги васийлик ва ҳомийлик органини хабардор қилади.

34-модда. Психиатрия стационарига ғайриихтиёрий тартибда ётқизилган шахсларни текширувдан ўтказиш

Ушбу Қонуннинг 31-моддасида назарда тутилган асослар бўйича психиатрия стационарига ётқизилган руҳий ҳолати бузилган шахс шифокор-психиатрлар комиссияси томонидан қирқ саккиз соатдан ошмаган муддатда мажбурий текширувдан ўтказилиши лозим, комиссия стационарга ётқизилганликнинг асосланганлиги тўғрисида қарор қабул қилади. Стационарга ётқизиш асоссиз деб топилган ва стационарга ётқизилган шахс психиатрия стационарида қолиш истагини билдирмаган ҳолларда, у дарҳол стационардан чиқарилиши лозим.

Агар руҳий ҳолати бузилган шахсни стационарга ётқизиш асосли деб топилса, шахснинг у ерда бундан буён бўлиши тўғрисидаги масалани ҳал қилиш учун шифокор-психиатрлар комиссиясининг ҳулосаси йигирма тўрт соат ичида психиатрия стационари жойлашган ердаги судга юборилади.

Руҳий ҳолати бузилган шахсни психиатрия стационарига ғайриихтиёрий тартибда ётқизиш тўғрисидаги ариза судга шахс ётган психиатрия стационари томонидан берилади.

35-модда. Руҳий ҳолати бузилган шахсни психиатрия стационарига ғайриихтиёрий тартибда ётқизиш тўғрисидаги ариза юзасидан суднинг қарори

Суд руҳий ҳолати бузилган шахсни психиатрия стационарига ғайриихтиёрий тартибда ётқизиш тўғрисидаги аризани мазмунан кўриб чиқиб, уни қаноатлантиради ёки рад этади.

Ўзига нисбатан қарор чиқарилган шахс, унинг қонуний вакили, психиатрия стационари раҳбари суднинг қарори устидан шикоят қилиши ёки протест келтириши мумкин.

36-модда. Руҳий ҳолати бузилган шахснинг ғайриихтиёрий тартибда стационарда ётишини узайтириш

Руҳий ҳолати бузилган шахснинг психиатрия стационарида ғайриих-

тиёрий тартибда бўлиши фақат стационарга ётқизиш амалга оширилган асослар сақланиб турган вақт мобайнидагина давом этади.

Психиатрия стационарига ғайриихтиёрий тартибда ётқизилган шахс шифокор-психиатрлар комиссияси томонидан стационарда ётишни узайтириш тўғрисидаги масалани ҳал қилиш учун дастлабки олти ой мобайнида ҳар ойда камида бир марта текширувдан ўтказилиши лозим.

Руҳий ҳолати бузилган шахс психиатрия стационарига ғайриихтиёрий тартибда ётқизилган пайтдан эътиборан олти ой ўтгач шифокор-психиатрлар комиссиясининг стационарда бундай ётишни узайтириш зарурлиги тўғрисидаги хулосаси психиатрия стационари маъмурияти томонидан психиатрия стационари жойлашган ердаги судга юборилади. Суд стационарда ётишни ушбу Қонуннинг 34 ва 35-моддаларида назарда тутилган тартибда узайтириши мумкин.

Руҳий ҳолати бузилган шахснинг психиатрия стационарида ётиши олти ойдан ортиқ муддатга узайтирилганда шифокор-психиатрлар комиссияси томонидан мазкур шахсни текширувдан ўтказиш олти ойда камида бир марта амалга оширилади.

37-модда. Психиатрия стационарларида турган руҳий ҳолати бузилган шахсларнинг ҳуқуқлари

Руҳий ҳолати бузилган шахсга уни психиатрия стационарига ётқизиш асослари ва мақсадлари, унинг ҳуқуқлари ҳамда стационарда ўрнатилган қоидалар тушунтирилиши керак, бу ҳақда тиббий ҳужжатларга ёзиб қўйилади.

Психиатрия стационарида даволанаётган ёки текширувдан ўтаётган руҳий ҳолати бузилган шахслар:

текширувдан ўтказиш, даволаш, психиатрия стационаридан чиқариш ва ушбу Қонун билан берилган ҳуқуқларга риоя этиш масалалари юзасидан бевосита бош шифокорга ёки бўлим мудирига мурожаат этишга;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига аризалар, таклифлар ва шикоятлар беришга;

адвокат ва дин пешвоси билан ёлғиз учрашишга;

тиббий қарши кўрсатмалар бўлмаганда диний расм-русумларни бажаришга;

газеталар ва журналларга обуна бўлишга;

агар руҳий ҳолати бузилган шахс ўн саккиз ёшга тўлмаган бўлса, умумий ўрта ва ўрта махсус таълим ташкилотларининг дастури бўйича таълим олишга;

агар руҳий ҳолати бузилган шахс фойдали меҳнатда иштирок этаётган бўлса, меҳнати учун унинг миқдори ва сифатига мувофиқ бошқа фуқаролар билан тенг равишда ҳақ олишга;

ёзишмалар олиб боришга, посилкалар, бандероллар ва пул жўнатмалари олиш ва жўнатишга, телефондан фойдаланишга, келувчиларни қабул қилишга, энг зарур нарсаларга эга бўлиш ва уларни сотиб олишга, ўз кийим-кечагидан фойдаланишга ҳақли. Бу ҳуқуқлар руҳий ҳолати бузилган шахснинг ва бошқа шахсларнинг соғлиғи ёки хавфсизлиги манфаатларини қўзғаб шифокор-психиаторнинг тавсиясига кўра чекланиши мумкин.

Газеталар ва журналларга якка тартибда обуна бўлиш, телефонда сўзлашувлар ҳамда бошқа пулли хизматлар руҳий ҳолати бузилган шахсларнинг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Психиатрия стационарида даволанаётган ёки текширувдан ўтаётган руҳий ҳолати бузилган шахслар қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

38-модда. Психиатрия стационари маъмуриятининг ва тиббиёт ходимларининг мажбуриятлари

Психиатрия стационарининг маъмурияти ва тиббиёт ходимлари руҳий ҳолати бузилган шахсларнинг ҳамда уларнинг қонуний вакилларининг ушбу Қонунда назарда тутилган ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратиши, шу жумладан:

психиатрия стационарига даволаниш ёки текширувдан ўтиш учун ётқизилган шахсларни зарур тиббий ёрдам билан таъминлаши;

ушбу Қонуннинг матни, мазкур психиатрия стационарининг ички тартиб-қоидалари билан, руҳий ҳолати бузилган шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилган тақдирда мурожаат этиш мумкин бўлган давлат органлари ҳамда бошқа органлар, муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахсларнинг манзиллари ҳамда телефон рақамлари билан танишиш имкониятини бериши;

руҳий ҳолати бузилган шахсларнинг ёзишмалари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига аризалар, таклифлар ва шикоятлар йўллаши учун шарт-шароитлар яратиши;

руҳий ҳолати бузилган шахс психиатрия стационарига ғайриихтиёрий тартибда ётқизилган пайтдан эътиборан йигирма тўрт соат ичида унинг қонуний вакилини, қариндошларини ёки унинг кўрсатмасига кўра бошқа шахсни хабардор қилиш чораларини кўриши;

руҳий ҳолати бузилган шахснинг соғлиғи ҳолатидаги ўзгаришлар ва у билан боғлиқ фавқулудда ходисалар ҳақида унинг қонуний вакилини ёки қариндошларини, шунингдек унинг кўрсатмасига кўра бошқа шахсни хабардор қилиши;

психиатрия стационарида турган руҳий ҳолати бузилган шахсларнинг хавфсизлигини таъминлаши, посилкалар ва олиб келинган нарсалар таркибини назорат қилиши;

суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган, аммо қонуний вакилга эга бўлмаган руҳий ҳолати бузилган шахсларнинг қонуний вакили вазифасини бажариши шарт.

Психиатрия стационари маъмуриятининг ва тиббиёт ходимларининг зиммасида қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

39-модда. Руҳий ҳолати бузилган шахсни психиатрия стационаридан чиқариш

Руҳий ҳолати бузилган шахсни психиатрия стационаридан чиқариш у

соғайиб кетган ёки унинг руҳий ҳолати яхшиланиб, бундан буён стационарда даволаниши талаб этилмайдиган, шунингдек психиатрия стационарига ётқизиш учун асос бўлган текширувдан ўтиш ёки психиатрия экспертизаси ниҳоясига етказилган тақдирда амалга оширилади.

Психиатрия стационарига даволаниш учун ихтиёрий равишда ётқизилган руҳий ҳолати бузилган шахсни чиқариш унинг аризасига, қонуний вакилининг аризасига ёки даволовчи шифокор-психиатрнинг қарорига биноан амалга оширилади.

Психиатрия стационарига ғайриихтиёрий тартибда ётқизилган руҳий ҳолати бузилган шахсни чиқариш шифокор-психиатрлар комиссиясининг хулосасига ёки суднинг стационарда ётишни узайтиришни рад этиш тўғрисидаги қарорига биноан амалга оширилади.

Суднинг қарорига биноан ўзига нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланилган руҳий ҳолати бузилган шахсни чиқариш фақат суднинг қарорига кўра амалга оширилади.

Психиатрия стационарига ихтиёрий равишда ётқизилган руҳий ҳолати бузилган шахсни чиқариш, агар ғайриихтиёрий тартибда ётқизиш учун ушбу Қонуннинг 31-моддасида назарда тутилган асослар шифокор-психиатрлар комиссияси томонидан аниқланадиган бўлса, рад этилиши мумкин. Бундай ҳолда психиатрия стационарида бўлиш, ётишни узайтириш ва стационардан чиқариш масалалари ушбу Қонуннинг 34 — 36-моддаларида, шунингдек ушбу модданинг учинчи қисмида белгиланган тартибда ҳал этилади.

40-модда. Руҳий ҳолати бузилган шахслар учун мўлжалланган тиббий-ижтимоий муассасаларга жойлаштириш асослари ва тартиби

Руҳий ҳолати бузилган шахслар учун мўлжалланган тиббий-ижтимоий муассасаларга шахсларни жойлаштириш учун руҳий ҳолати бузилган шахснинг аризаси, шифокор-психиатр иштирокидаги тиббий комиссиянинг хулосаси, вояга етмаган шахс ёки суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахс учун эса васийлик ва ҳомийлик органининг мазкур тиббий комиссиянинг хулосасига асосан қабул қилинган қарори асос бўлади.

Тиббий комиссиянинг хулосаси шахсда руҳий ҳолатнинг уни ихтисослаштирилмаган тиббий-ижтимоий муассасада туриш имкониятидан маҳрум этадиган тарзда бузилиши мавжудлиги ҳақидаги, муомалага лаёқатли шахсга нисбатан эса уни муомалага лаёқатсиз деб топиш тўғрисидаги масалани суд олдига қўйиш учун асослар мавжуд эмаслиги ҳақидаги маълумотларни ҳам ўз ичига олиши керак.

Васийлик ва ҳомийлик органи руҳий ҳолати бузилган шахслар учун мўлжалланган тиббий-ижтимоий муассасаларга жойлаштирилган шахсларнинг мулкӣ манфаатларини ҳимоя қилиш чораларини кўриши шарт.

41-модда. Вояга етмаган шахсни руҳий ҳолати бузилган шахслар учун мўлжалланган давлат ихтисослаштирилган таълим муассасаларига ҳамда тиббий-ижтимоий муассасаларга жойлаштириш асослари ва тартиби

Вояга етмаган, руҳий ҳолати бузилган шахсни руҳий ҳолати бузилган шахслар учун мўлжалланган давлат ихтисослаштирилган таълим муассасаларига ва тиббий-ижтимоий муассасаларга жойлаштириш учун унинг ота-онасининг ёки бошқа қонуний вакилининг аризаси ҳамда тиббий-психологик-педагогик комиссиянинг мажбурий хулосаси асос бўлади.

Тиббий-психологик-педагогик комиссиянинг хулосаси вояга етмаган шахснинг давлат ихтисослаштирилган таълим муассасаларида мослаштирилган таълим дастурини ўзлаштириши мумкинлиги ва (ёки) зарурлиги ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олиши керак.

42-модда. Руҳий ҳолати бузилган шахслар учун мўлжалланган давлат ихтисослаштирилган таълим муассасаларида ёки тиббий-ижтимоий муассасаларда турган шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда мазкур муассасалар маъмуриятининг ва ходимларининг мажбуриятлари

Руҳий ҳолати бузилган шахслар учун мўлжалланган давлат ихтисослаштирилган таълим муассасаларида ёки тиббий-ижтимоий муассасаларда турган шахслар ушбу Қонуннинг 37-моддасида назарда тутилган ҳуқуқлардан фойдаланади.

Руҳий ҳолати бузилган шахслар учун мўлжалланган давлат ихтисослаштирилган таълим муассасалари ёки тиббий-ижтимоий муассасалар маъмурияти ва ходимларининг ушбу муассасаларда турган шахсларнинг ҳуқуқларини рўёбга чиқариш учун шарт-шароитлар яратишга доир мажбуриятлари ушбу Қонуннинг 38-моддасида, шунингдек бошқа қонунчиликда белгиланади.

Руҳий ҳолати бузилган шахслар учун мўлжалланган давлат ихтисослаштирилган таълим муассасалари ёки тиббий-ижтимоий муассасалар ушбу муассасаларда турган шахсларни бир йилда камида бир марта тиббий текширувдан ўтказиши шарт. Тиббий текширув ушбу шахсларнинг мазкур муассасаларда бундан буён туриши тўғрисидаги, шунингдек уларнинг муомалага лаёқатсизлиги ҳақидаги қарорларни қайта кўриб чиқиш мумкинлиги тўғрисидаги масалани ҳал этиш мақсадида шифокор-психиатр иштирокидаги тиббий комиссия томонидан ўтказилади.

43-модда. Руҳий ҳолати бузилган шахсларни кўчириш ва чиқариш асослари

Руҳий ҳолати бузилган шахсни руҳий ҳолати бузилган шахслар учун мўлжалланган давлат ихтисослаштирилган таълим муассасасидан ёки тиббий-ижтимоий муассасадан умумий турдаги худди шундай муассасага кўчи-

риш учун шифокор-психиатр иштирокидаги тиббий комиссиянинг мазкур шахсда ушбу муассасада туриш учун тиббий кўрсатмалар мавжуд эмаслиги ҳақидаги хулосаси асос бўлади.

Рухий ҳолати бузилган шахсни рухий ҳолати бузилган шахслар учун мўлжалланган давлат ихтисослаштирилган таълим муассасасидан ёки тиббий-ижтимоий муассасадан чиқариш:

шифокор-психиатр иштирокидаги тиббий комиссиянинг рухий ҳолати бузилган шахс соғлиғининг ҳолатига кўра мустақил равишда яшашга лаёқатли эканлиги тўғрисидаги хулосаси мавжуд бўлган тақдирда, ушбу шахснинг аризасига биноан;

чиқарилаётган вояга етмаган шахсни парвариш қилиш мажбуриятини олаётган унинг ота-онасидан бирининг ёки бошқа қонуний вакилининг аризасига биноан;

суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахс қонуний вакилининг аризаси бўйича, башарти унинг қонуний вакили ўз васийлигидаги шахсни шахсан парвариш қилиш ва (ёки) парвариш қилишни таъминлаш мажбуриятини ўз зиммасига олаётган бўлса, амалга оширилади.

4-боб. Яқунловчи қоидалар

44-модда. Низоларни ҳал этиш

Психиатрия ёрдами кўрсатиш соҳасидаги низолар қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал этилади.

45-модда. Психиатрия ёрдами тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик

Психиатрия ёрдами тўғрисидаги қонунчиликни бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

46-модда. Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш

Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

1) Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 31 августда қабул қилинган «**Психиатрия ёрдами тўғрисида**»ги 123–II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, № 7-8, 215-модда);

2) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2000 йил 31 августда қабул қилинган «**Психиатрия ёрдами тўғрисида**»ги **Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида**»ги 124–II-сонли қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, № 7-8, 216-модда);

3) Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 21 декабрда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**»ги ЎРҚ–311-сонли

Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2011 йил, № 12/2, 363-модда) **7-моддаси**;

4) Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 29 августда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига жамоатчилик назоратини кучайтиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**»ги ЎРҚ–559-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 8, 470-модда) **7-моддаси**;

5) Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 12 сентябрда қабул қилинган «**Психиатрия ёрдами кўрсатиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**»ги ЎРҚ–567-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 9, 592-модда) **8-моддаси**.

47-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

48-модда. Қонунчиликни ушбу Қонунга мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирасин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

49-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга кирилади.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 12 май,
ЎРҚ–690-сон

ИККИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ****258 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил
3 декабрдаги «2021 йилда расмий саналарни нишон-
лаш даврида қўшимча ишланмайдиган кунларни белгилаш ва
дам олиш кунларини кўчириш тўғрисида»ги ПФ–6122-сон
Фармонига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида***

«Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!» ички туризмни ривожлантириш дас-
тури доирасида аҳолининг фаол дам олиши учун энг қулай шароитларни
яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 декабрдаги
«2021 йилда расмий саналарни нишонлаш даврида қўшимча ишланмайдиган
кунларни белгилаш ва дам олиш кунларини кўчириш тўғрисида»ги
ПФ–6122-сон Фармонига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республи-
касининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 10 май,
ПФ–6222-сон

* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 10 майда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2021 йил 10 майдаги
ПФ–6222-сон Фармониغا
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил
3 декабрдаги «2021 йилда расмий саналарни нишонлаш
даврида қўшимча ишланмайдиган кунларни белгилаш ва
дам олиш кунларини кўчириш тўғрисида»ги ПФ–6122-сон
Фармониغا киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 1-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. 2021 йилда қуйидаги қўшимча дам олиш кунлари белгилансин:

14 май — жума;

2 сентябрь — пайшанба;

3 сентябрь — жума;

31 декабрь — жума».

2. 2-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2. 2021 йилда дам олиш кунлари:

27 март — шанба кунидан 22 март — душанба кунига;

17 июль — шанба кунидан 21 июль — чоршанба кунига;

24 июль — шанба кунидан 22 июль — пайшанба кунига кўчирил-
син».

3. 3-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2021 йил 2 январь — шанба, 20 март — шанба, 22 март — душанба,
15 май — шанба, 21 июль — чоршанба, 22 июль — пайшанба ва 4 сен-
тябрь — шанба кунлари барча ходимлар учун, иш ҳафтасининг туридан
катъи назар, дам олиш кунлари ҳисобланади».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ**259 Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг моддий таъминотини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида***

Мамлакатимизда кексаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий химоя қилишнинг самарали тизимини шакллантириш, Ватан обрў-эътиборини юксалтиришга, ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашга фаол қатнашаётган қарияларни эъозлаш ҳамда фашизм устидан қозонилган ғалабага муносиб ҳисса қўшган фахрийларнинг моддий таъминотини янада кучайтириш мақсадида:

1. 2021 йил 10 майдан бошлаб 1941 — 1945 йиллардаги уруш ногиронлари ва қатнашчилари, шунингдек, фашистлар концлагерларининг вояга етмаган собиқ маҳбуслари ва Ленинград шаҳри камал қилинган даврда ишлаган шахсларнинг энг кам пенсия миқдори устамаларни инобатга олган ҳолда — 2,5 миллион сўм этиб белгилансин.

2. Мазкур Фармонни бажариш билан боғлиқ бўлган сарф-харажатлар Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ва республика бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

3. Молия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларга ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

4. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 11 май,
ПФ-6224-сон

* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 12 майда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**260** Рамазон ҳайитини нишонлаш тўғрисида*

Бугунги кунда маънавий кадриятларимизнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини янада ошириш, буюк аждодларимизнинг бой илмий-маърифий меросида улугланган, халқимиз томонидан асрлар давомида эъзозлаб келинаётган инсонпарварлик, шукроналик, бағрикенглик, меҳр-оқибат ва саховат туйғуларини кучайтириш ҳамда муборак Рамазон ҳайитини муносиб нишонлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг 2021 йилда Рамазон ҳайитининг биринчи куни 13 май — пайшанба кунига тўғри келиши ҳақида қабул қилган қарорини инобатга олиб, мамлакатимизда 2021 йил 13 май Рамазон ҳайити байрами сифатида нишонлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 декабрдаги «2021 йилда расмий саналарни нишонлаш даврида қўшимча ишланмайдиган кунларни белгилаш ва дам олиш кунларини кўчириш тўғрисида»ги ПФ-6122-сон Фармониغا ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги ПФ-6222-сон Фармони билан 2021 йил 14-15 май кунлари қўшимча дам олиш кунлари сифатида белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Дин ишлари бўйича қўмита, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳамда жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда Рамазон ҳайитининг карантин талабларига мувофиқ, халқимизнинг миллий ва диний анъаналарига мос равишда ўтказилиши учун тегишли чора-тадбирларни амалга оширсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Рамазон ҳайитини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 10 май,
ПҚ-5110-сон

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 10 майда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**261** **Хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида***

Хизматлар соҳасининг мамлакатимиз иқтисодиётидаги улушини кўпайтириш, жойларда хизматлар соҳасидаги мавжуд имкониятларни тўлиқ ишга солиш, хизматлар турларини кенгайтириш ва сифатини ошириш бўйича ўз ечимини кутаётган муаммоли масалаларни ҳал қилиш, мазкур йўналишда тадбиркорлик субъектларини янада қўллаб-қувватлаш, уларнинг роя ва ташаббусларини рағбатлантириш мақсадида:

1. 2021 — 2023 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизматлар соҳасини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин:

иқтисодий ўсишни таъминлашда хизматлар соҳасини муҳим драйверга айлантириш ва 2023 йилга қадар хизматлар ҳажмини икки бараварга ошириш;

аҳолига тайёр бизнес режалар ва лойиҳалар тақдим этиш, уларни касбга ўқитишдан тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишгача бўлган босқичларни қамраб олувчи «комплекс хизматлар» кўрсатишни ташкил этиш;

республикада хизматлар соҳасининг ривожланганлигини баҳолаш тизимини жорий этиш орқали давлат органлари ва ташкилотларининг бу борадаги фаолияти самарадорлигини ошириш ва мансабдор шахсларнинг масъулиятини кучайтириш;

хизматлар соҳасида ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб хизматлар турларини кенгайтириш, ҳудудларда, айниқса қишлоқ жойларда транспорт, молиявий, шунингдек, банк, туризм ҳамда савдо хизматлари қамровини кенгайтириш;

республиканинг барча ҳудудларида мавжуд таълим ва соғлиқни сақлаш хизматлари салоҳиятини ошириш, уларнинг сифатини яхшилаш, бунда хусусий секторни жалб қилиш учун қулай иқтисодий ва инфратузилмавий шароитларни яратиш.

2. Қуйидагилар:

2021 — 2023 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизматлар соҳасини ривожлантиришнинг мақсадли параметрлари 1.1 — 1.15-иловаларга** мувофиқ;

Хизматлар соҳасини ривожлантириш бўйича 2021 йилга мўлжалланган «йўл харитаси» 2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (С. Хол-

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 12 майда эълон қилинган.

** 1.1 — 1.15, 2-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

хўжаев) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2022 ва 2023 йиллар учун хизматлар соҳасини ривожлантириш бўйича «йўл хариталари»ни ҳар йили 1 декабрга қадар ишлаб чиқиб, тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритиб борсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари бир ой муддатда 2021 — 2023 йилларда хизматлар соҳасини ривожлантириш ҳудудий дастурларини тасдиқласин.

Бунда, ҳудудий дастурларга ташаббускор тадбиркорларнинг ғоялари асосида аҳолининг эҳтиёжи мавжуд хизматларни йўлга қўйиш бўйича лойиҳаларни киритиш, шунингдек, жойларда мазкур хизматларни кўрсатувчи «хизмат кўрсатиш мажмуалари»ни ташкил этилиши назарда тутилсин.

4. 2021 йил 1 июлдан бошлаб республика ҳудудларида қўйидагиларни назарда тутувчи хизматлар соҳасининг ривожланганлиги рейтинги жорий этилсин:

хизмат кўрсатувчи, шу жумладан янги ташкил этилган субъектлар сони, хизматлар ҳажми ва турлари, яратилган иш ўринлари, солиқ базаси ва бошқа муҳим кўрсаткичлар асосида тегишли соҳаларга масъул бўлган давлат органлари ва ташкилотлари, уларнинг ҳудудий бўлинмалари раҳбарлари ва бошқарув ходимлари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман (шаҳар)лар ҳокимлари ва уларнинг ўринбосарлари фаолиятини баҳолаш;

хизматлар соҳасининг ривожланганлиги рейтингини «BUSINESS INDICATOR» автоматлаштирилган онлайн ахборот тизимида шакллантириш, юритиш ва эълон қилиш;

баҳолаш натижаларини ҳар ярим йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш;

баҳолаш натижалари бўйича тегишли ташкилотларнинг раҳбар ва бошқарув ходимлари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман (шаҳар)лар ҳокимлари ва уларнинг ўринбосарлари ижобий кўрсаткичга эга бўлганда — уларни рағбатлантириш ҳамда қониқарсиз кўрсаткичга эга бўлганда — интизомий жавобгарликка тортиш.

5. Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан хизматлар соҳасини ривожлантириш учун тижорат банкларига 300 миллион АҚШ доллари эквивалентида кредит линияси очилсин.

Белгилансинки:

кредит линиясининг 150 миллион АҚШ доллари миқдоридagi маблағлари (1-транш) 2021 йил 1 июлгача 3-иловага* мувофиқ тақсимот бўйича ажратилади;

кредит линияси маблағлари тижорат банкларига 7 йил муддатга, шу жумладан 3 йиллик имтиёзли давр билан фоиз ставкаси Марказий банкнинг асосий ставкасидан 4 фоиз бандга паст қилиб берилади;

кредит линиясининг 2-транши 1-траншнинг ишлатилиши самарадорлигини баҳолаш натижалари бўйича Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни

* 3-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

қисқартириш вазирлиги таклифига асосан Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган тақсимот бўйича ажратилади;

тижорат банклари томонидан кредитлар 4-иловага мувофиқ хизматлар соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш (молия соҳасини ривожлантириш бўйича лойиҳалар ва хизматлар соҳасида айланма маблағларни тўлдириш ҳоллари бундан мустасно) учун 5 йилгача муддатга Марказий банкнинг асосий ставкасида битта лойиҳа бўйича 2 миллиард сўмгача миқдорда ажратилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари тижорат банклари кредитлари ҳисобига амалга оширилаётган лойиҳаларга қўшимча равишда лойиҳа ташаббускорларининг камида юқорида кўрсатилган миқдорлардаги ўз маблағлари ҳисобидан қўшимча лойиҳалар ишга туширилишини таъминласин.

6. «Ўзмиллийбанк» АЖ тижорат банкларига қайта молиялаштириш мақсадида 2021 йил якунига қадар 28 та йирик ва ўрта шаҳарларда туризм, транспорт, тиббиёт, таълим объектлари ва йирик савдо комплексларини ташкил этиш лойиҳалари учун халқаро молия институтларининг 200 миллион АҚШ доллари миқдоридagi маблағларини жалб қилсин.

7. «Ўзмиллийбанк» АЖ ҳузурида Хизматларни ривожлантириш бўйича лойиҳа-таҳлилий марказ (кейинги ўринларда — Марказ) ташкил этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н. Хусанов) Савдо-саноат палатаси (А. Икрамов) ва Марказ билан биргаликда хизматлар соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш учун малакали мутахассисларни жалб қилган ҳолда аҳолини касбга ўқитиш бўйича ўқув курсларини ташкил қилсин.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

2021 — 2023 йиллар давомида ташаббускор тадбиркорлик субъектлари томонидан 5-иловага* мувофиқ туман (шаҳар)ларда деҳқон бозорлари ва савдо комплекслари барпо этилишида кўмаклашсин;

Туризм ва спорт вазирлиги билан биргаликда 2021 йил 1 сентябрга қадар йирик шаҳарларда, вилоят ва туман марказларида ташаббускор тадбиркорлик субъектлари билан ҳамкорликда савдо ва кўнгилочар кўчалар ташкил этилишини таъминласин.

9. Янги ташкил этиладиган деҳқон бозорлари ва савдо комплекслари устав капиталида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг мажбурий иштироки бекор қилинсин.

10. Савдо ва кўнгилочар кўчаларда:

кўчма савдо объектлари учун жойлар тадбиркорлик субъектларига электрон онлайн-аукцион асосида сотилсин;

барча тадбиркорлик субъектларига жамоат хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя қилган ҳолда 24 соат мобайнида туну кун фаолият юритиш ҳуқуқи берилсин.

11. Ички ишлар вазирлиги Миллий гвардия билан биргаликда бир ой

* 5-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

муддатда савдо ва хизмат кўрсатиш объектларининг 24 соат мобайнида туну кун фаолият юритишига доир жамоат хавфсизлиги бўйича содалаштирилган талабларни ўрнатишни назарда тутувчи Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

12. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ички ишлар вазирлиги (П. Бобожонов) ҳамда Давлат божхона қўмитаси (М. Азимов) билан биргаликда божхона постлари ҳудудидаги бўш ер участкалари ҳамда 6-иловага* мувофиқ йўл-патруль хизмати постлари ҳудудидаги ер участкалари тадбиркорлик субъектларига савдо ва хизмат кўрсатиш объектларини барпо этиш учун ажратилишини таъминласин.

Давлат божхона қўмитаси (М. Азимов) икки ҳафта муддатда тегишли идоралар билан биргаликда божхона постлари ҳудудидаги бўш ер участкаларининг тасдиқланган рўйхатини ўз расмий веб-сайтига жойлаштиради ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимликларига тақдим этсин.

Белгилансинки, ушбу бандда назарда тутилган ер участкалари тадбиркорлик субъектларига лойиҳа асосида савдо ва хизмат кўрсатиш мақсадларида энгил турдаги қурилмалар барпо этиш учун камида 3 йил муддатга ижарага берилади.

13. Давлат органлари ва ташкилотлари жойлашган ер майдонлари ва бино-иншоотлардан самарали фойдаланишни таъминлаш бўйича ишчи гуруҳи 7-иловага* мувофиқ ташкил этилсин.

Ишчи гуруҳи (Ж. Қўчқоров) икки ой муддатда:

ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурлари доирасида давлат органлари ва ташкилотлари учун бино ва иншоотлар қуришни мақбуллаштираган ҳолда уларни тадбиркорлик субъектларига тегишли биноларда ижара асосида жойлаштириш тизимини кенг жорий қилиш чораларини кўрсин;

дастлабки босқичда Тошкент шаҳрининг Олмазор, Миробод ва Яккасарой туманларида давлат органлари ва ташкилотлари жойлашган ер участкалари ва бино-иншоотларни хатловдан ўтказган ҳолда уларнинг майдонларини танқидий кўриб чиқсин ва тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатиш объектларини барпо этиш учун ажратиш мақсадида мақбуллаштириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

Бунда, давлат органлари ва ташкилотлари бўш турган, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 апрелдаги ПҚ–5053-сон қарорига мувофиқ штат бирликлари мақбуллаштирилиши натижасида бўшган ер участкалари, бино-иншоотлар ва жойлар мавжудлиги инобатга олинсин.

14. 2021 йил 1 сентябрдан бошлаб масофавий (онлайн) таълимга асосланган нодавлат таълим хизматларини кўрсатиш учун мулкӣ ёки бошқа ашёвий ҳуқуқлар асосида биноларнинг мавжуд бўлиши ҳақида талаб бекор қилинсин.

* 6-7-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

15. Давлат статистика қўмитаси 2021 йил 1 октябрга қадар хорижий ва маҳаллий экспертларни жалб қилган ҳолда хизматлар статистикасини юритишни, жумладан ахборот-коммуникация ва дастурлаш хизматларини ҳисобга олиш методологиясини халқаро стандартлар асосида такомиллаштирсин, республика ҳудудларида хизматлар соҳасининг ривожланиш ҳолатини ҳамда самарадорлигини таққослаш имконини берувчи ҳисобот шакллари ва методологияларни ишлаб чиқсин.

16. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (С. Холхўжаев) Давлат статистика қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси, Савдо-саноат палатаси, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда:

бир ой муддатда хизматлар соҳасининг ривожланганлигини баҳолаш тартиби ва методологиясини назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

уч ой муддатда «BUSINESS INDICATOR» автоматлаштирилган онлайн ахборот тизимининг мазкур қарор талабларидан келиб чиқиб такомиллаштирилишини таъминласин;

бир ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

17. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазир ўринбосарлари Ж.А. Қўчқоров ва С.Ў. Умурзаков, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари белгилансин.

Қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан 2021 йил 1 сентябрь ва 2022 йил 1 январгача Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот берилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 11 май,
ПҚ-5113-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2021 йил 11 майдаги
ПҚ-5113-сон қарорига
4-ИЛОВА

**I. Маҳаллаларда мавжуд бўлиши ҳамда тижорат банклари
томонидан Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг кредит
линияси ҳисобидан кредит ажратилиши тавсия этиладиган
хизматлар турлари
РЎЙХАТИ**

1. Сартарошхона
2. Савдо дўконлари
3. Дорихоналар
4. Мактабгача таълим ташкилотлари
5. Таълим марказлари
6. Гўзаллик салони
7. Маиший техникаларни таъмирлаш
8. Автотранспорт воситаларини таъмирлаш
9. Тантаналар ва оилавий тадбирларни ташкил этиш хизматлари
10. Пойабзал тикиш ва таъмирлаш
11. Кийим тикиш ва таъмирлаш (ателье)
12. Интернет заллари
13. Нусха кўчириш
14. Автотранспорт воситаларини ювиш шохобчаси
15. Хўжалик моллари ва уй-рўзғор буюмларини ижарага бериш
16. Зооветеринария пунктлари
17. Умумий овқатланиш хизматлари
18. Спорт майдончалари

**II. Туман (шаҳар)ларда мавжуд бўлиши ҳамда тижорат
банклари томонидан Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг
кредит линияси ҳисобидан кредит ажратилиши тавсия
этиладиган хизматлар турлари
РЎЙХАТИ**

1. Дўконлар
2. Супермаркетлар
3. Минимаркетлар
4. Кўчма автодўконлар
5. Қурилиш моллари дўкони
6. Ресторанлар
7. Кафе
8. Тез овқатланиш пунктлари («фаст-фуд»)
9. Мактабгача таълим ташкилотлари

10. Нодавлат таълим марказлари
11. Ихтисослашган нодавлат бошланғич мактаблар
12. Давлат-хусусий шерикчилик тамойиллари асосида фаолият кўрсатувчи мактаблар
13. Дорихоналар
14. Хусусий тиббий хизматлар
15. Сартарошхоналар
16. Гўзаллик салонлари
17. Кимёвий тозалаш ва бўяш
18. Гилам ва гилам буюмларини таъмирлаш ҳамда тозалаш
19. Видео ва фотосуратга олиш хизматлари
20. Ҳаммом
21. Соат тузатиш
22. Пойабзал тикиш ва таъмирлаш
23. Кийим тикиш ва таъмирлаш
24. Майший техникани таъмирлаш
25. Ҳисоблаш техникасини таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш
26. Заргарлик буюмларини таъмирлаш
27. Тайёр мебелни йиғиш, таъмирлаш ва драпировка қилиш
28. Калитлар тайёрлаш
29. Кесувчи буюмлар ва асбобларни чархлаш
30. Металл ва тунука буюмлар тайёрлаш ва таъмирлаш
31. Велосипедларни таъмирлаш
32. Велосипедларни прокатга бериш пунктлари
33. Тўй либослари салонлари
34. Автотранспорт воситаларини таъмирлаш ва мой алмаштириш
35. Автотранспорт воситалари пуллик турар жойлари
36. Автотранспорт воситаларини ювиш шохобчаси
37. Туристик агентликлар, туроператорларнинг хизматлари
38. Жамоат ҳожатхоналари
39. Консалтинг хизматлари (бухгалтерия, солиққа оид ва ҳуқуқий маслаҳатлар, бошқарув консалтинги)
40. Баҳолаш хизматлари
41. Риэлторлик хизматлари
42. Реклама хизматлари
43. Интернет заллари
44. Нусха кўчириш
45. Тўловларни қабул қилиш пунктлари
46. Юк машиналарда юк ташиш хизматлари
47. Меҳмонхоналар
48. Меҳмон уйлари — хостеллар (4 ўрндан кам бўлмаган)
49. Тантаналар ва оилавий тадбирлар учун кейтеринг хизмати
50. Кинотеатрлар
51. Спорт-соғломлаштириш марказлари (спорт заллари, фитнес марказлар, тренажёрлар ва б.)

52. Маданий дам олиш марказлари ва ёшлар клублари
53. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш
54. Якка тартибда дераза-эшик пардаларини тикиш ва таъмирлаш, каш-
тачилик
55. Ўсимлик уруғлари билан таъминлаш пунктлари
56. Омукта ем ва шрот сотиш пунктлари
57. Ўғит сотиш пунктлари
58. Тахрир хизмати
59. Зооветеринария пунктлари

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

262 Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати маркази ҳузурида «Гидрометеорологияда ахборот тех- нологияларини ривожлантириш маркази» давлат муассасаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси гидрометеорология хизмати фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 17 ноябрдаги ПҚ–4896-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси гидрометеорология хизмати фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 17 ноябрдаги ПҚ–4896-сон қарори билан Гидрометеорология хизмати маркази (кейинги ўринларда — Ўзгидромет) ҳузуридаги «Метеоинфосистем» ахборот-техник бошқармаси негизда «Гидрометеорологияда ахборот технологияларини ривожлантириш маркази» давлат муассасаси (кейинги ўринларда — Марказ) ташкил этилганлиги, унинг фаолиятини молиялаштириш манбалари ҳамда ходимларига Ўзгидромет ходимлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш ва мукофотлаш тартиби қўлланилиши белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар Марказнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:
гидрометеорология хизмати самарадорлигини ошириш, электрон хизматларнинг ўз вақтида тақдим этилишини таъминлайдиган замонавий интеллектуал тизимлар, ахборот ресурслари ва дастурий маҳсулотларни жорий этиш;

гидрометеорология хизматининг технологик инфратузилмасини ривожлантириш, электрон ўзаро ҳамкорликни ташкил этиш ва гидрометеорологик ҳамда сунъий йўлдош маълумотлари билан алмашиш учун ягона телекоммуникация тармоғини яратиш;

катта ҳажмдаги рақамли маълумотларга ишлов бериш ва таҳлил қилиш, гидрометеорологик ва сунъий йўлдош маълумотларини моделлаштириш учун юқори тезликка эга компьютер марказларидан кенг фойдаланиш;

гидрометеорология хизмати ходимларининг, айниқса, катта ҳажмдаги рақамли маълумотлар, компьютер моделлаштириш, сунъий йўлдош технологиялари ва ахборот хавфсизлиги соҳасидаги кўникмаларини ошириш.

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 17 майда эълон қилинган.

3. Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати маркази ҳузуридаги «Гидрометеорологияда ахборот технологияларини ривожлантириш маркази» давлат муассасасининг тузилмаси иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки, Марказ директори Ўзгидромет бош директори томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод қилинади.

4. Марказга:

малакали мутахассисларни жалб этган ҳолда гидрометеорология соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш бўйича фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар асосида меҳнатга ишбай ҳақ тўланадиган дастурчилар жамоасини шакллантиришга, шу жумладан, хорижий мутахассисларни маслаҳатчи сифатида жалб қилишга;

юклатилган қўшимча вазифалар доирасида кўрсатиладиган пуллик хизматлардан тушган маблағларнинг камида 50 фоизи Марказ ходимларининг иш ҳақи учун, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва моддий рағбатлантириш тадбирларига сарфланишига рухсат берилсин.

5. Ўзгидромет:

а) бир ой муддатда:

Марказнинг уставини қўшимча вазифаларни инобатга олган ҳолда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин ҳамда белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин;

бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин;

б) икки ой муддатда Марказ томонидан фаолият ихтисослиги бўйича қўшимча пуллик хизматлар кўрсатиш тартибини тасдиқласин;

в) 2021 йил 1 июлга қадар Молия вазирлиги билан биргаликда Марказни 2022 йил 1 январдан бошлаб тўлиқ хўжалик ҳисобига ўтказиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг маслаҳатчиси — ИТ-технологиялар, телекоммуникациялар ва инновацион фаолиятни ривожлантириш масалалари департаменти бошлиғи О.М. Умаров ҳамда Ўзгидромет бош директори Ш.Х. Ҳабибуллаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 8 май,
289-сон

* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

263 Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси қурилиш тармоғини модернизация қилиш, жадал ва инновацион ривожлантиришнинг 2021 — 2025 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида» 2020 йил 27 ноябрдаги ПФ–6119-сон Фармони)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси қурилиш тармоғини модернизация қилиш, жадал ва инновацион ривожлантиришнинг 2021 — 2025 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида» 2020 йил 27 ноябрдаги ПФ–6119-сон Фармониға мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг иловаға мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Қурилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимининг тубдан такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» 2019 йил 14 июндаги 498-сон қарорига 1-илованиннг 17-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорға мувофиқлаштирсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А.Ж. Раматов ва Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазири Б.И. Закиров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 8 май,
290-сон

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 8 майда эълон қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 8 майдаги 290-сон қарорига
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 2 апрелдаги 62-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ 2010 й., 14-15-сон, 106-модда) билан тасдиқланган вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармаларига йўналтирилаётган давлат божлари, йиғимлар ва солиқ бўлмаган тўловлардан, маъмурий ва молиявий жазолардан ажратмалар миқдорларининг 16-позицияси чиқариб ташлансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 3 февралдаги 19-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ 2015 й., 2-сон, 6-модда) билан тасдиқланган Аҳоли пунктларида давлат капитал қўйилмалари ҳисобига молиялаштирилдиган ичимлик сув таъминоти ва оқова сув хизмати объектларини қуриш ва реконструкция қилишни ташкил этиш тартиби тўғрисида низомнинг 18-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«18. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекциялари Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 28 майдаги 343-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекциялари тўғрисида Намунавий низомларга белгиланган ваколатлар доирасида объектда қурилиш-монтаж ишлари бажарилишининг сифати ва тўлиқлиги юзасидан назоратни амалга оширадилар».

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 июлдаги 467-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбошимчалик билан қурилган иморатни аниқлаш ҳамда бартараф этиш (бузиб ташлаш)ни ташкил этиш тартиби тўғрисида низомда:

а) 3-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3. Ўзбошимчалик билан қурилган иморатни аниқлаш:

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қурилиш мақсадлари учун ер участкасини ажратиш тўғрисидаги туман (шаҳар) ҳокимининг қарори мавжудлигини;

икки қаватдан юқори (цоколни ҳисобга олмаган ҳолда), баландлиги ер юзасидан 12 метрдан баланд ва (ёки) умумий майдони 500 квадрат метрдан ортиқ бўлган яқка тартибдаги уй-жойларни, шунингдек 300 метр кубдан кўп ҳажмдаги нотураар бино ва иншоотлар лойиҳа ҳужжатлари экспертизадан ҳамда қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияларидан рўйхатдан ўтказилганлигини;

икки қаватгача, (цоколни ҳисобга олмаган ҳолда), баландлиги ер юзасидан 12 метрдан паст ва (ёки) умумий майдони 500 квадрат метргача

бўлган якка тартибдаги уй-жойларни, шунингдек 300 метр кубдан кам ҳажмдаги нотурар бино ва иншоотлар қуриш учун туман қурилиш бўлими билан келишилган лойиҳанинг мавжудлигини;

шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига мувофиқ қурилганлигини текшириш орқали амалга оширилади»;

б) 7-банд қуйидаги мазмундаги иккинчи ва учинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

«Икки қаватдан юқори (цоколни ҳисобга олмаган ҳолда), баландлиги ер юзасидан 12 метрдан баланд ва (ёки) умумий майдони 500 квадрат метрдан ортиқ бўлган якка тартибдаги уй-жойларни, шунингдек 300 метр кубдан кўп ҳажмдаги нотурар бино ва иншоотлар бўйича ўзбошимчалик билан қурилган иморатларни мустақил равишда — қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекциялари аниқлайдилар ва бартараф этиш чораларини кўрадилар.

Икки қаватгача, (цоколни ҳисобга олмаган ҳолда), баландлиги ер юзасидан 12 метрдан паст ва (ёки) умумий майдони 500 квадрат метргача бўлган якка тартибдаги уй-жойлар, шунингдек 300 метр кубдан кам ҳажмдаги нотурар бино ва иншоотлар бўйича ўзбошимчалик билан қурилган иморатларни ушбу низом талаблари доирасида — Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, вилоятлар, Тошкент шаҳар Қурилиш бош бошқармалари ҳамда туман қурилиш бўлимлари ҳал қиладилар».

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, унинг таркибий бўлинмалари, шунингдек, Республика ва ҳудудий архитектура-шаҳарсозлик кенгашлари тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида» 2018 йил 31 июлдаги 603-сон қарорида:

а) 1-илова 27-бандининг ўттиз биринчи хатбошисидаги «қурилиш бош бошқармаларининг бошлиқларини» сўзлари «қурилиш бош бошқармаларининг бошлиқлари ўринбосарларини» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 5-иловада:

3-бандда:

учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

тўртинчи — саккизинчи хатбошилар тегишли равишда учинчи — еттинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

4-бандга қуйидаги мазмундаги ўн биринчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«олий таълим муассасаларининг аниқланган иқтидорли талабалари, техникумлар ва коллежлар ўқувчиларига Вазирлик стипендияларини тўлаш»;

ўн биринчи — йигирманчи хатбошилар тегишли равишда ўн иккинчи — йигирма биринчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси фаолиятига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида» 2020 йил 28 майдаги 343-сон қарорида:

а) 1-иловада:

12-банд қўйидаги мазмунда тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«қонун ҳужжатларида назарда тутилган қурилиш соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомилларига риоя қилинмаган ҳамда аниқланган ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш бўйича камида иккита қўрсатма бажарилмаган тақдирда қурилиш-монтаж ишларини тўхтатиб қўйиш ва демонтаж ишларини амалга ошириш тўғрисидаги даъво билан судга мурожаат қилиш»;

тўртинчи — йигирма олтинчи хатбошилар тегишли равишда бешинчи — йигирма еттинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

б) 2-иловада:

10-бандда:

«г» кичик банднинг иккинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«молиялаштириш манбаларидан қатъи назар, хавф-хатар тоифасидан келиб чиққан ҳолда, қурилиш объектларида (хавф-хатар тоифаси паст бўлган ҳамда икки қаватгача, (цоколни ҳисобга олмаган ҳолда), баландлиги ер юзасидан 12 метрдан паст ва (ёки) умумий майдони 500 квадрат метргача бўлган якка тартибдаги уй-жойлар шунингдек 300 метр кубдан кичик бўлган нотурар бино ва иншоотлардан ташқари) рухсат берилган ҳужжатлар мавжудлиги, шаҳарсозлик норма ва қоида талабларига риоя этилаётганлиги борасида белгиланган тартибда инспекторлик назоратини ўтказди;»;

«д» кичик банднинг иккинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг давлат дастурларига киритилган ҳамда давлат бюджети маблағларидан молиялаштирилган объектларнинг қурилиши ва наъмунавий лойиҳалар бўйича қуриладиган якка тартибдаги ҳамда икки қаватдан юқори (цоколни ҳисобга олмаган ҳолда), баландлиги ер юзасидан 12 метрдан ва (ёки) умумий майдони 500 квадрат метрдан ортиқ бўлган якка тартибдаги уй-жойлар шунингдек 300 м.кубдан кўп ҳажмдаги нотурар бино ва иншоотларда қурилиш-монтаж ишларининг бажарилишини тўғридан-тўғри рўйхатдан ўтказди;»;

12-бандда:

қўйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган қурилиш соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомилларига риоя қилинмаган ҳамда аниқланган ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш бўйича камида иккита қўрсатма бажарилмаган тақдирда қурилиш-монтаж ишларини тўхтатиб қўйиш ва демонтаж ишларини амалга ошириш тўғрисидаги даъво билан судга мурожаат қилиш»;

тўртинчи — йигирма олтинчи хатбошилар тегишли равишда бешинчи — йигирма еттинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 майдаги 381-сон қарори билан тасдиқланган Қурилиш лойиҳаларини экспертизадан ўтказувчи юридик

шахсларни аккредитация қилиш тартиби тўғрисида низомнинг 3-банди қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Лойиҳа ҳужжатлари бўйича берилган эксперт хулосаси «Шаффоф қурилиш» миллий ахборот тизимидаги Эксперт хулосаларининг ягона «реестри»га мажбурий равишда киритиб борилади, давлат сирини ташкил этувчи маълумотларни ўз ичига олган лойиҳа ҳужжатлари бўйича эксперт хулосалари бундан мустасно».

7. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 августдаги 496-сон қарори билан тасдиқланган Объектларда давлат қурилиш назоратини амалга ошириш бўйича маъмурий регламентда:

а) 26-банди қуйидаги мазмунда тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган қурилиш соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомилларига риоя қилинмаган ҳамда аниқланган ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш бўйича камида иккита кўрсатма бажарилмаган тақдирда қурилиш-монтаж ишларини тўхтатиб қўйиш ва демонтаж ишларини амалга ошириш тўғрисидаги даъво билан судга мурожаат қилиш»;

тўртинчи — еттинчи хатбошилар тегишли равишда бешинчи — саккизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

б) 2-илованинг 29.3 позицияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«

29.3.	Якка тартибдаги уйлар	икки қаватгача, (иккинчи қават ҳам қиради, цоколни ҳисобга олмаган ҳолда), баландлиги ер юзасидан 12 метрдан паст ва (ёки) умумий майдони 500 квадрат метргача бўлган якка тартибдаги уй-жойлар	I
		икки қаватдан юқори (цоколни ҳисобга олмаган ҳолда), баландлиги ер юзасидан 12 метрдан ва (ёки) умумий майдони 500 квадрат метрдан ортиқ бўлган якка тартибдаги уй-жойлар	II

».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**264 Наманган вилоятининг Наманган шаҳри таркибида Янги Наманган туманини ташкил этиш билан боғлиқ ташкилий масалаларни ҳал этиш чора-тадбирлари тўғрисида***

Наманган вилоятининг Наманган шаҳри таркибида Янги Наманган туманини ташкил этиш, шунингдек, барпо этилаётган янги мавзеларда аҳоли фаровонлигини таъминлаш, бошқарувнинг самарали механизмларини жорий этиш билан боғлиқ ташкилий масалаларни ҳал этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2021 йил 19 апрелдаги 873–IV-сон ва Сенатининг 2021 йил 24 апрелдаги СҚ–283-IV-сон «Наманган вилоятининг Наманган шаҳри таркибида Янги Наманган туманини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорлари қабул қилинганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Наманган вилоятининг Наманган шаҳри таркибида Янги Наманган тумани (кейинги ўринларда — Янги Наманган тумани) ҳокимлиги ташкил этилсин.

3. Қуйидагилар:

Янги Наманган тумани ҳокимлиги бошқарув аппаратининг намунавий тузилмаси 1-иловага** мувофиқ;

Давлат органлари ва ташкилотларининг Янги Наманган туманидаги бўлинмалари ҳамда уларга қўшимча штат бирликларини киритиш ҳисобидан ходимларининг чекланган умумий сони 2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

Янги Наманган туманида жойлашган давлат органлари ва ташкилотлари бошқарув ходимларидан ташқари, ходимларининг чекланган сонига қўшимча штат бирликлари вазирлик ва идораларнинг умумий штат бирликлари ҳамда тегишли соҳа учун ажратилган бюджет параметрлари доирасида киритилиши белгилансин.

4. Наманган вилояти ҳокимлиги:

а) бир ой муддатда Янги Наманган туманини ташкил этиш билан боғлиқ зарур комплекс ташкилий-техник тадбирлар режасини ишлаб чиқиб, тасдиқласин ва уларнинг белгиланган муддатларда амалга оширилишини таъминласин;

б) Янги Наманган туманини ташкил этиш даврида иқтисодиёт тармоқларининг аниқ, барқарор ва бир маромда ишлашини, шунингдек, юзага келадиган ижтимоий масалалар ўз вақтида ҳал этилишини таъминласин;

в) Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентли-

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 10 майда эълон қилинган.

** 1-2-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ги ва Молия вазирлиги билан биргаликда Янги Наманган тумани ҳокимлиги ҳамда тегишли давлат органлари ва ташкилотлари бўлинмаларини зарур бино-иншоот ҳамда моддий-техника воситалари билан таъминласин;

г) Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан биргаликда Янги Наманган тумани ташкил этилиши муносабати билан янги ташкил этилаётган давлат органлари ва ташкилотлари ҳудудий бўлинмаларини етарли тажрибага эга бўлган малакали кадрлар билан тўлдириш чораларини кўрсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Наманган вилояти ҳокимлиги билан биргаликда Янги Наманган тумани ҳокимлиги ҳамда тегишли давлат органлари ва ташкилотлари бўлинмаларини сақлаш харажатларини ўз ичига олган ҳолда, Наманган шаҳар бюджетининг ва туманни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг прогноз параметрларини белгиласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси статистика кўрсаткичларини шакллантириш ва юришда Янги Наманган туманининг маъмурий ҳудудларини инобатга олсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги бир ой муддатда Янги Наманган тумани ташкил этилиши натижасида унинг маъмурий-ҳудудий чегаралари ўзгариши муносабати билан ер ҳисоботларига белгиланган тартибда тегишли ўзгартиришлар киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги Янги Наманган туманига ўтказилган маъмурий ҳудудда фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларининг жойлашган жойини (почта манзили) улардан ариза ёки маълумот талаб этмаган ҳолда, икки ой муддатда тўғридан-тўғри электрон тизим орқали бепул ўзгартирсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органларга икки ой муддатда Янги Наманган туманида суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг тузилмаларини ташкил этиш масаласини кўриб чиқиш тавсия этилсин.

10. Тижорат банкларига Янги Наманган туманини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш мақсадида мазкур туманда банк инфратузилмасини ташкил этиш тавсия этилсин.

11. Қуйидагилар:

а) Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда Янги Наманган туманида қўшимча штат бирликларини ажратган ҳолда, адлия бўлими, давлат хизматлари маркази ва фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларини ташкил этиш бўйича тегишли тадбирлар амалга оширилишини;

б) Наманган вилояти ҳокимлиги Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги билан биргаликда Янги Наманган туманида давлат хизматлари маркази биносининг давлат-хусусий шериклик шартлари асосида ёки маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан қурилишини таъминласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги Наманган вилояти ҳокимлиги билан биргаликда 2022 йил 1 декабрга қадар Янги Наманган туманининг маъмурий-ҳудудий чегарасини ҳисобга олган ҳолда, Наманган шаҳрининг 2040 йилгача бўлган бош режаси ишлаб чиқилишини таъминласин.

Бунда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги бош режани ишлаб чиқиш учун тегишли маблағларни Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурида назарда тутсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Янги Наманган тумани ҳокимлиги ҳамда тегишли давлат органлари ва ташкилотлари бўлинмаларини жойлаштириш учун Наманган шаҳри, «Оромгоҳ» маҳалласи, Афросиёб кўчаси, 25б-уй манзилида жойлашган собиқ «Наманган-2 хизмат кўрсатиш коллежи» бино ва иншоотларини оператив бошқариш ҳуқуқи асосида Наманган вилояти ҳокимлигига бепул ўтказиб берсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги қонунчилик ҳужжатларига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилгунга қадар мазкур қарорга 1-иловага мувофиқ Янги Наманган тумани ҳокимлиги ҳамда ташкил этилаётган давлат органлари ва ташкилотларининг тумандаги бўлинмаларини сақлаш харажатларини молиялаштириш чораларини кўрсин.

2022 йилдан бошлаб Наманган шаҳри Янги Наманган туманининг харажатларини Давлат бюджети параметрларида назарда тутсин.

15. Наманган вилояти ҳокимлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни икки ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

16. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А.Ж. Раматов ва Наманган вилояти ҳокими Ш.Ш. Абдуразаков зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 8 май,
293-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**265 Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зонаси ҳамда Ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси тўғрисида низомларни тасдиқлаш тўғрисида***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналари фаолиятини ташкил этиш ҳамда ёшларнинг тадбиркорликка оид ташаббусларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2021 йил 21 апрелдаги ПКҚ–5088-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналарини ташкил қилиш ва бошқариш, уларга жойлаштириш учун ёш тадбиркорлик субъектининг инвестиция лойиҳаларини танлаб олиш ва жойлаштириш, уларда жойлашган бинолар ва иншоотларни хусусийлаштириш, шунингдек, тижорат банклари томонидан қурилган бино ва иншоотларни лизинг ёки ижарага бериш тартибини назарда тутувчи Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зонаси тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағларини шакллантириш манбалари, жамғарма фаолиятини бошқариш, жамғарма маблағлари ҳисобидан молиялаштириш, шунингдек, унинг маблағларидан фойдаланишга доир ҳисобот ва назорат юритиш тартибини назарда тутувчи Ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилансинки:

ёш тадбиркорлик субъекти ўн саккиз ёшга тўлган ва ўттиз ёшдан ошмаган ҳамда юридик шахс мақомида ёки таъсисчилари сифатида саноат ёки хизмат кўрсатиш йўналишида инвестиция лойиҳасини амалга ошириш истагини билдирган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳисобланади;

барча ёш тадбиркорлик субъектларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун Ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш жамғармасининг маблағлари тижорат банклари томонидан белгиланган тартибда ажратилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Воитов) Ёшлар ишлари агентлиги, вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда 2021 йилнинг 20 майигача:

2021 йил 1 сентябригача 77 та ҳамда 2022 йил 1 январигача 142 та Ёшлар саноат зоналарини ишга туширилишини назарда тутувчи иш режа ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

ёшларнинг тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш тизими

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 10 майда эълон қилинган.

доирасида назарда тутилган имкониятлар ва имтиёзлар тўғрисида ёшлар орасида кенг тарғибот ишларини ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги: ҳар йили 25 декабргача — Ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш жамғармасининг келгуси йил учун иш режасини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

ҳар йили 20 январгача — Ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағларининг тақсимланиши бўйича йиллик ҳисоботни Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

Ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланилишини назорат қилсин.

5. Экспорт ва инвестицияларни ривожлантириш масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси (Умурзаков) бир ойда камида бир мартаба Ёшлар саноат зоналарини ташкил қилиш ҳамда Ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағларидан самарали фойдаланиш бўйича амалга оширилган чора-тадбирларнинг натижадорлигини танқидий муҳокама қилсин ҳамда ҳар чорак якуни бўйича Вазирлар Маҳкамасига ҳисобот киришиб борсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг инвестициялар ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари бўйича ўринбосари — инвестициялар ва ташқи савдо вазири С.У. Умурзаков зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 10 май,
294-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 10 майдаги 294-сон қарорига
1-ИЛОВА

Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зонаси тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналари ва уларнинг фаолиятини ташкил этиш, шунингдек, ушбу зоналар ҳудудларида амалга ошириш учун ёш тадбиркорлик субъектларининг инвестиция лойиҳаларини танлаб олиш ва жойлаштириш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги тушунчалардан фойдаланилади:

ёш тадбиркорлик субъекти — ўн саккиз ёшга тўлган ва ўттиз ёшдан ошмаган ҳамда юридик шахс мақомида ёки таъсисчилари сифатида саноат ёки хизмат кўрсатиш йўналишида инвестиция лойиҳасини амалга ошириш истагини билдирган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари;

ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналари (кейинги ўринларда — Ёшлар саноат зоналари) — тегишли ҳудудни жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, ёшлар бандлигини, энг аввало «Ёшлар дафтари»га киририлган ёшларнинг бандлигини таъминлаш ва ёш тадбиркорлик субъектларининг инвестиция лойиҳаларини амалга оширилишини қўллаб-қувватлаш мақсадида ажратилган махсус ҳудуд.

2-боб. Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналарини ташкил қилиш ва бошқариш тартиби

3. Ёшлар саноат зоналари фақат муҳандислик-техник коммуникациялари мавжуд бўлган ёки ўтказиш осон бўлган, фаолият кўрсатаётган ишлаб чиқариш майдонлари ва қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер майдонларида ташкил этилади.

4. Ёшлар саноат зоналарини ташкил этиш ва фаолият кўрсатаётган Ёшлар саноат зоналари ҳудудининг чегаларини ўзгартириш тўғрисидаги қарорлар Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан қабул қилинади.

Ёшлар саноат зоналари ҳудудининг чегаралари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари қарорларига асосан тасдиқланади.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ёшлар саноат зоналарини ташкил этиш ёки фаолият кўрсатаётганларининг чегараларини ўзгартириш учун Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

мўлжалланган ер майдонлари чегаралари чизиб кўрсатилган ер-кадастр режасининг кўчирма нусхаси;

мўлжалланган чегараларда жойлашган ерларнинг таркиби, ер эгаларининг, ердан фойдаланувчиларнинг, ер майдонлари ижарачиларининг ва мулкдорларининг (улар мавжуд бўлган тақдирда) рўйхати ҳамда уларнинг Ёшлар sanoat зоналари ташкил этилишига Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига ёзма шаклда берилган розилиги;

тегишли ҳудуддаги коммуникациялар билан таъминланганлик даражасини таҳлил қилиш натижалари асосида ишлаб чиқилган Ёшлар sanoat зоналарини йўл-транспорт, муҳандислик коммуникация инфратузилмаси билан таъминлаш бўйича дастур.

6. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан тақдим қилинган ҳужжатларни бир ҳафта муддатда ўрганиб чиқиб, Ёшлар sanoat зоналарини ташкил этиш ва фаолият кўрсатаётган Ёшлар sanoat зоналарининг чегаларини ўзгартиришнинг мақсадга мувофиқлиги юзасидан хулосани Низомнинг 5-бандида кўрсатилган ҳужжатлар билан биргаликда Вазирлар Маҳкамасига киритади.

7. Вазирлар Маҳкамаси келиб тушган ҳужжатларни ўн кунлик муддатда Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг хулосаси ва Низомнинг 5-бандида кўрсатилган ҳужжатлар асосида кўриб чиқади ҳамда кўриб чиқиш натижаларини Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ва тегишли маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига юборади.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари — инвестициялар ва ташқи савдо вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосарлари — инвестициялар ва ташқи савдо бошқармалари бошлиқлари Ёшлар sanoat зоналарининг фаолиятини мувофиқлаштириб боради, уларни ривожлантириш ҳамда фаолиятини самарали ташкил этиш чораларини кўради.

9. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг ҳудудий бошқармалари Ёшлар sanoat зоналари фаолиятини мувофиқлаштириб бориш доирасида қўйидагиларни амалга оширади:

Ёшлар ишлари агентлигининг ҳудудий бошқармалари билан биргаликда инвестиция лойиҳаларини амалга оширишнинг ҳар бир босқичида ёш тадбиркорлик субъектининг ҳамда тегишли давлат органларининг ўзаро ҳамкорлигини ташкил этади;

инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган, шу жумладан мавжуд бюрократик тўсиқларни бартараф этиш бўйича масалаларни ҳал этишга доир ишларни ташкиллаштиради;

инвестиция лойиҳаларини ажратилган ер майдонлари чегарасигача етарли қувватда муҳандислик-коммуникация тармоқлари ва зарур инфратузилма билан таъминлаш бўйича тегишли ташкилотларга мурожаат қилади;

инвестиция лойиҳалари бўйича улар фойдаланишга топширилгунга қадар бўлган жараённинг тўлиқ мониторингини амалга оширади.

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Экспортни рағбатлантириш агентлиги Ёшлар саноат зоналари ҳудудидаги ёш тадбиркорлик субъекти томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ва хизматлар ҳақидаги маълумотлар базасини юритади ва уларга етакчи халқаро электрон савдо майдонларига чиқаришда кўмаклашади.

10. Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлигининг ҳудудий бошқармалари Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг ҳудудий бошқармалари билан биргаликда:

ёшларнинг тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш тизими доирасида назарда тутилган имкониятлар, имтиёзлар, амалий кўмаклашув чора-тадбирлари юзасидан ёшлар орасида кенг тарғибот ишларини олиб боради;

ёшларнинг тадбиркорлик вояларини амалга ошириш мақсадида лойиҳаолди ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун «лойиҳалар фабрикаси»га йўналтиради;

Ёшлар саноат зоналари ҳудудида ёш тадбиркорлик субъектларининг лойиҳаларини амалга оширилишини ва уларнинг давлат ташкилотлари билан самарали ҳамкорлигини таъминлайди;

ёш тадбиркорлик субъектининг экспорт салоҳиятини ошириш мақсадида ҳар ойда маҳаллий ва хорижий компанияларни, мутахассисларни жалб қилган ҳолда мотивацион бизнес-семинарлар, тренинглар, савдо миссиялари ва бизнес-форумлар ташкил этади;

ёш тадбиркорлик субъектларини ишлаб чиқарилган маҳаллий маҳсулотларни экспорт қилишдаги мавжуд имтиёзлар ва преференциялар тўғрисидаги маълумотлар билан таъминлайди.

11. Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлигининг ҳудудий бошқармалари «лойиҳалар фабрикаси» билан биргаликда лойиҳа-таклифлари асосида лойиҳа бизнес-режасини ишлаб чиқишда, шунингдек молиялаштириш учун буюртманом тақдим этилган инвестиция лойиҳаларига доир лойиҳаолди ҳужжатларини кўриб чиқиш ва тайёрлашда ёш тадбиркорлик субъектларига амалий ёрдам кўрсатади.

3-боб. Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зонасига жойлаштириш учун ёш тадбиркорлик субъектларининг инвестиция лойиҳаларини танлаб олиш

12. Ёшлар саноат зоналари ҳудудида инвестиция лойиҳаларини жойлаштириш мазкур Низомга 1-иловада* келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

13. Ёшлар саноат зоналарида жойлаштириш учун инвестиция лойиҳалари шаҳар ва туман ҳокимлари раҳбарлигидаги ушбу Низомга 2-иловага* мувофиқ намунавий таркибда шакллантириладиган Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зонасида жойлаштириш учун инвестиция лойиҳаларини танлаб олиш

* 1-2-иловалар «Конунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

бўйича ишчи гуруҳларнинг (кейинги ўринларда — ишчи гуруҳлар) қарорларига асосан амалга оширилади.

14. Ёшлар саноат зоналарида ўз инвестиция лойиҳаларини жойлаштириш истагида бўлган ёш тадбиркорлик субъектлари қуйидаги ҳужжатларни туман (шаҳар) инвестициялар ва ташқи савдо бўлимларига тақдим этади.

мазкур Низомга 3-иловада* келтирилган шаклга мувофиқ инвестиция буюртманомаси;

инвестиция лойиҳасининг бизнес-режаси ёки техник-иқтисодий асоси; инвестиция лойиҳаси тўғрисида маълумотнома.

Тақдим этилган маълумотлар ҳамда ҳужжатларнинг тўғри ва ишончлилиги учун ёш тадбиркорлик субъекти жавобгар ҳисобланади.

15. Туман (шаҳар) инвестициялар ва ташқи савдо бўлимлари ёш тадбиркорлик субъектларидан тегишли ҳужжатлар тўлиқ келиб тушган куннинг ўзида уларни ишчи гуруҳларга кўриб чиқиш учун юборади.

16. Инвестиция лойиҳаларини жойлаштириш тўғрисида ишчи гуруҳнинг қарори ёш тадбиркорлик субъекти томонидан тегишли ҳужжатлар тақдим қилинган кундан бошлаб 10 календарь кун ичида қабул қилинади ҳамда бу ҳақда ижобий ёки рад этиш тўғрисида хулоса берилиши шарт.

17. Рад этилган лойиҳалар бўйича рад этиш сабаблари аниқ баён этилган ҳолда ёзма равишда ёш тадбиркорлик субъектларига жавоб берилади.

18. Ишчи гуруҳлар тақдим этилган инвестиция буюртманомаларини кўриб чиқади ва қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилади:

Ёшлар саноат зоналари ҳудудига инвестиция лойиҳасини жойлаштириш ва ёш тадбиркорлик субъектига тўғридан-тўғри ер майдони ёки ишлаб чиқариш майдонларини ажратиш тўғрисида;

Ёшлар саноат зоналари ҳудудига инвестиция лойиҳасини жойлаштиришни асосланган сабабларини кўрсатган ҳолда мақсадга мувофиқ эмаслиги тўғрисида.

Ташаббускорлар томонидан тақдим этган маълумотларнинг ишончсизлигидан далолат берувчи ҳолатлар аниқланса, бундай инвестиция лойиҳасини кўриб чиқиш тўхтатилади.

19. Қуйидаги талабларга жавоб берадиган инвестиция лойиҳалари Ёшлар саноат зоналари ҳудудига жойлаштиришда устуворликка эга бўлади:

патент асосида ишлаб чиқаришни йўлга қўйишни таъминловчи стартап-инвестиция лойиҳалари;

инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган инвестиция лойиҳалари;

импорт ўрнини босадиган ва экспортга йўналтирилган рақобатбардош маҳаллий саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни назарда тутувчи инвестиция лойиҳалари;

яратиладиган янги иш ўринларининг камида 70 фоизи ёшлар учун мўлжалланган бўлиши, бунда бандлиги таъминланмаган «Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларни иш билан таъминлашни назарда тутувчи инвестиция лойиҳалари.

* 3-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

20. Ишчи гуруҳлар Ёшлар sanoat зоналарида жойлаштириш учун таклиф этилган инвестиция лойиҳаларини юқоридаги мезонлардан келиб чиқиб, энг мақбулларини танлаб олади.

21. Инвестиция лойиҳаларини танлаб олиш мақсадида ишчи гуруҳлар: танлов жараёнининг шаффоф ўтказилишини ташкил этади ва киритилган таклифларни ошкора тарзда кўриб чиқади;

танловда қатнашиш учун ташаббускорларнинг инвестиция буюртманомаларини улар олинган санаси ва вақтини кўрсатган ҳолда қабул қилади; унга юклатиладиган бошқа функцияларни қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ амалга оширади.

Ҳужжатларни кўриб чиқиш ва танлов жараёни бевосита номзод ҳисобланган барча ёш тадбиркорлик субъектлари ёки уларнинг вакиллари иштирокида ўтказилади.

4-боб. Ёшлар sanoat ва тадбиркорлик зонасида инвестиция лойиҳаларини жойлаштириш тартиби

22. Ёшлар sanoat зоналари ҳудудида инвестиция лойиҳасини жойлаштириш учун ер майдонлари чегараларини белгилаб бериш Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг тегишли туман (шаҳар) бўлимлари томонидан ишчи гуруҳларнинг хулосалари асосида 5 иш куни ичида амалга оширилади.

23. Ишчи гуруҳларнинг баённомасига асосан Ёшлар sanoat зоналари ҳудудида майдони 1000 кв. м.гача бўлган ер участкалари истисно тариқасида, электрон аукцион савдоси ўтказмасдан, шаҳар (туман) ҳокимларининг қарори билан ажратилади, бунда бўш бино ва иншоотлар (давлат кўчмас мулк объектлари) шартнома асосида ижара тўловлари ҳар йили Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан давлат кўчмас мулкидан фойдаланганлик учун белгиланадиган ижара тўловининг энг кам миқдоридан ошмаган ставкалар бўйича белгиланган тартибда ижарага берилади.

24. Ёш тадбиркорлик субъекти томонидан инвестиция лойиҳаси Ёшлар sanoat зоналари ҳудудига жойлаштирилган кундан бошлаб уч ой давомида лойиҳани амалга ошириш бўйича чоралар кўрилмаслиги, шунингдек, ишлаб чиқариш майдонлари ва (ёки) ер майдонларидан уларга доир узок муддатли ижара шартномада кўрсатилган мақсаддан ташқари фойдаланилиши ажратилган ер майдони ёки ишлаб чиқариш майдонларини қайтариб олиш учун асос бўлади.

5-боб. Ёшлар sanoat ва тадбиркорлик зонаси ҳудудида жойлашган бинолар ва иншоотларни хусусийлаштириш тартиби

25. Ёшлар sanoat зоналари ҳудудида лойиҳа ташаббускорлари қуйидаги ҳуқуқлардан фойдаланади:

Ўз маблағлари ҳисобидан қурилган бинолар ва иншоотларга эгалик ҳуқуқини қонунчиликда белгиланган тартибда расмийлаштириш;

Ўз маблағлари ҳисобидан реконструкция қилинган ёки капитал таъмирланган бино ва иншоотларни ёш тадбиркорлик субъекти томонидан амалга оширилган инвестиция лойиҳаси фойдаланишга топширилган санадан бошлаб уч йилдан кейин, реконструкция қилиш ёки капитал таъмирлаш харажатларини чегириб ташлаган ҳолда, белгиланган тартибда аниқланадиган баҳолаш қиймати бўйича хусусийлаштириш;

инвестиция мажбуриятларини тўлиқ бажариш шарти билан (Ўз маблағлари ҳисобидан реконструкция қилиш ва капитал таъмирлашни амалга оширмасдан), бироқ инвестиция лойиҳасини амалга ошириш яқунланган санадан бошлаб беш йилдан кейин тўловларни беш йил мобайнида тенг улушларда амалга ошириш ҳуқуқи берилган ҳолда, белгиланган тартибда аниқланадиган баҳолаш қиймати бўйича хусусийлаштириш.

6-боб. Тижорат банклари томонидан қурилган бино ва иншоотларни лизинг ёки ижарага бериш тартиби

26. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрига бириктирилган тижорат банклари ўзларига бириктирилган ҳудудлардаги Ёшлар саноат зоналарида ўз маблағлари ва жалб қилинган маблағлар ҳисобидан ишчи гуруҳининг тавсиясига асосан лизингга ёки ижарага бериш мақсадида бино ва иншоотлар қуриши мумкин.

27. Тижорат банклари томонидан қурилган бино ва иншоотларни ёш тадбиркорлик субъектларига лизингга беришда улар бошланғич тўлов сифатида мазкур объектлар қийматининг камида 10 фоизлик қисмини тўлаши талаб этилади.

28. Тижорат банклари томонидан ёш тадбиркорлик субъектига бино ва иншоотларни лизинг ёки ижарага бериш шартнома асосида амалга оширилади.

29. Ишчи гуруҳлар томонидан инвестиция лойиҳаларининг маъқулланиши тижорат банки томонидан бино ва иншоотларнинг ёш тадбиркорлик субъектларига лизинг ёки ижара шартлари асосида ажратилиши учун асос бўлиб хизмат қилади.

7-боб. Яқунловчи қоидалар

30. Ёшлар саноат зоналари фаолиятини тугатиш ҳақидаги қарор Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан Вазирлар Маҳкамаси ҳамда Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан келишилган ҳолда қабул қилинади.

31. Шаҳар (туман) ҳокимликлари ҳамда ишчи гуруҳлар аъзолари, инвестиция лойиҳаси Ёшлар саноат зоналари ҳудудига жойлаштирилган ёш тадбиркорлик субъектлари, шунингдек, манфаатдор ташкилотлар раҳбарлари ушбу Низом талабларига риоя этилишига шахсан масъул ҳисобланади.

32. Ушбу Низомнинг талабларини бажаришда юзага келадиган низо ва келишмовчиликлар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ суд тартибида кўриб чиқилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 10 майдаги 294-сон қарорига
2-ИЛОВА

Ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) маблағларини шакллантириш, улардан фойдаланиш ва назорат қилиш тартибини белгилайди.

2. Жамғарма юридик шахс мақомига эга эмас ва унинг маблағлари Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг (кейинги ўринларда — Вазирлик) алоҳида очилган ғазна ҳисобварақларида жамланади.

2-боб. Жамғарма маблағларини шакллантириш манбалари

3. Қуйидагилар Жамғарманинг маблағларини шакллантириш манбалари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобидан қайтармаслик шарти билан ажратиладиган 100 миллион АҚШ доллар;

халқаро молия институтлари, хорижий ҳукумат молия ташкилотлари, хорижий банклар ва хусусий молия ташкилотларининг қарзлари;

Жамғарма маблағларини тижорат банклари депозитларига белгиланган тартибда жойлаштиришдан тушадиган даромадлар;

қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

4. Жамғарма маблағлари тижорат банклари орқали йўналтирилади.

3-боб. Жамғарма маблағларидан фойдаланишнинг асосий йўналишлари

5. Қуйидагилар Жамғарма маблағларидан фойдаланишнинг асосий йўналишлари ҳисобланади:

ташқи бозорларда талаб катта бўлган ва импортнинг ўрнини босувчи,

юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил этиш ҳамда хизматлар кўрсатиш соҳасидаги лойиҳаларни молиялаштириш;

мева-сабзавот ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш, сақлаш ва қадоқлаш, тўқимачилик, пойабзал ва чарм-галантерея, экологик жиҳатдан хавфсиз кимё, фармацевтика, озик-овқат, электротехника саноати, машинасозлик, замонавий қурилиш материаллари, хунармандчилик ҳамда ахборот-коммуникация технологиялари соҳаларидаги лойиҳаларни молиялаштириш ва бошқа йўналишларда янги замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил этиш;

маҳаллий хом ашё ва материаллар негизда мустақкам кооперация алоқаларини ўрнатиш ҳамда юқори технологияли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш соҳасидаги лойиҳаларни молиялаштириш.

4-боб. Жамғарма фаолиятини бошқариш

6. Жамғарма фаолиятини бошқариш ва унинг маблағларини тақсимлаш Вазирлик томонидан амалга оширилади.

7. Вазирлик:

хар йили 25 декабргача Жамғарманинг келгуси йил учун иш-режасини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди;

зарур ҳолларда тасдиқланган даромадлар ва харажатлар режаларига тегишли ўзгартиришлар киритади;

Жамғарма маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланилишини назорат қилади;

Жамғарма маблағларини шакллантириш, улардан мақсадли ва самарали фойдаланиш билан боғлиқ бошқа вазифаларни амалга оширади.

5-боб. Жамғарма маблағлари ҳисобидан молиялаштириш тартиби

8. Жамғарма ҳисобидан ажратиладиган молиявий ресурслар тижорат банкларига қўйидаги шартларда тақдим этилади:

молиявий ресурсларни тақдим этиш бир йўла бир тадбиркорлик субъекти учун 100 минг АҚШ доллари эквивалентидан ошмаган миқдорда 7 йилгача муддат билан;

қиймати 100 минг АҚШ доллари эквивалентигача бўлган инвестиция лойиҳаларини Жамғарма маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади, ундан ошган қисмини қарорда назарда тутилган имтиёзларсиз, тижорат банклари орқали умумий тартибда тақдим этилади;

олинган молиявий ресурслар бўйича тижорат банки ўз маржаси миқдорини йиллик миллий валютадаги кредитлар бўйича 4 фоиз, хорижий валютадаги кредитлар бўйича 1 фоиздан оширмасдан;

молиявий ресурслардан фойдаланиш учун алоҳида ҳисобварақ очилган ҳолда;

олинган молиявий ресурслардан ёш тадбиркорлик субъекти томонидан мақсадли фойдаланилишини мониторинг қилиб бориш ҳамда молиявий ресурсларни ўз вақтида қайтарилиши устидан назорат ўрнатиш асосида.

9. Тижорат банки Жамғармадан молиявий ресурслар олиш учун Жамғарма билан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда бош келишув тузади.

Бунда, бош келишувда мазкур Низомда белгиланган шартларни ва тартибларни инобатга олган ҳолда томонларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарликлари, молиявий ресурсларни тақдим этиш ва улардан фойдаланиш шартлари ва муддатлари белгилаб қўйилади.

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари расмий веб-сайтлари, оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда бош келишув тузилган банклар ҳақида доимий равишда маълумотлар етказиб боради.

10. Тижорат банклари ўзларининг ички низомлари қоидалари билан бир қаторда ёш тадбиркорлик субъектини Жамғарма маблағлари ҳисобидан молиялаштиришда қўйидаги шартларнинг бажарилишини текшириб боради:

ташаббускорнинг кредит қарздорлиги ва салбий кредит тарихи бўлмаслиги;

Жамғарма молиявий ресурслари ҳисобидан аввал олинган маблағлар тўлиқ қайтарилган бўлиши.

11. Тижорат банкларига молиявий ресурслар тақдим этиш Жамғарма-нинг мавжуд маблағлари доирасида, миллий валютадаги кредитлар бўйича 10 фоиз ставкада, хорижий валютадаги кредитлар бўйича 2 фоиз ставкада амалга оширилади.

12. Бош келишув тузган тижорат банки молиявий ресурслар олиш учун Вазирликка ушбу Низомга 1-иловада* келтирилган шаклда буюртманома тақдим этади.

Буюртманома тўғридан-тўғри, почта алоқа хизмати воситасида ёки электрон шаклда ахборот тизимлари орқали тегишли тижорат банки масъул раҳбарининг имзоси билан тасдиқланган ҳолда тақдим этилади.

Тақдим этилган буюртманомадаги маълумотларнинг ҳақиқийлиги учун тижорат банки жавобгар ҳисобланади.

13. Тижорат банклари томонидан киритилган буюртманома Вазирлик томонидан 10 кунгача муддат ичида кўриб чиқилади.

Буюртманома молиялаштириш тури, миқдори, муддати ҳамда мазкур Низомда белгиланган бошқа талабларга ва шартларга мувофиқлиги нуқтаи назаридан кўриб чиқилади.

14. Вазирлик буюртманомани кўриб чиқиш якуни бўйича қабул қилинган қарор тўғрисида почта алоқа хизмати воситасида ёки электрон шаклда ахборот тизимлари орқали тижорат банкига билдиришнома (қарор нусхасини илова қилган ҳолда) юборади.

* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Билдиришномада молиявий ресурслар (тўлиқ ёки қисман) ажратилиши ёки рад этилиши сабаблари кўрсатилади.

15. Тижорат банки молиявий ресурслар ажратилиши кўрсатилган билдиришномани олган кундан бошлаб, уч иш куни ичида белгиланган тартибда ёш тадбиркорлик субъекти билан ҳужжатларни расмийлаштиради ҳамда Вазирликка мазкур Низомга 2-иловада* келтирилган шакл бўйича тижорат банкининг масъул раҳбари томонидан имзоланган талабнома ва реестрини киритади.

Ушбу ҳужжатлар тўғридан-тўғри, почта алоқа хизмати воситасида ёки электрон шаклда ахборот тизимлари орқали киритилиши мумкин.

Тижорат банки молиявий ресурс ажратилиши рад этилган ҳолларда бу тўғрисида буюртманома берган ёш ташаббускорга тегишли қарор қабул қилинган кундан бошлаб уч иш куни ичида маълум қилади.

16. Вазирлик томонидан тижорат банкларидан мазкур Низомнинг 8 ва 10-бандларида кўрсатилган ҳужжатлардан ташқари бошқа ҳужжатлар талаб этилишига йўл қўйилмайди.

17. Жамғарма ҳисобидан тижорат банкларига ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналари ҳудудида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш учун бинолар қуриш мақсадларига молиявий ресурслар Жамғарманинг молиявий кўрсаткичлари ва унинг ресурс базасидан келиб чиққан ҳолда берилади.

18. Жамғарма маблағлари ҳисобидан тижорат банкларига ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналарида бино қуришга лизинг асосида бериладиган молиявий ресурслар миллий валютада йиллик 10 фоиз миқдорида тақдим қилинади.

19. Тижорат банклари томонидан қурилган биноларни ёш тадбиркорлик субъектига лизинг асосида бериш миллий валютада йиллик 14 фоиз ставкада амалга оширилади.

20. Биноларни қуриш, сотиш ва ижарага ёки лизинга бериш тижорат банкларининг шўъба ташкилотлари (инвестиция компаниялари) орқали ҳам амалга ошириш мумкин.

21. Ёш тадбиркорлик субъекти бошланғич тўлов сифатида лизингга бериладиган бино қийматининг 10 фоизини ташкил этадиган қисмини тўлайди.

22. Тижорат банкига молиявий ресурслар тақдим этиш рад этилиши учун қуйидагилар асос бўлади:

мазкур Низомнинг 8 ва 10-бандларида назарда тутилган шартлардан бири ёки уларнинг бажармаслиги;

тижорат банки томонидан тақдим этилган буюртманомада мазкур Низомнинг 13-бандида белгиланган тартибда ўрганишлар натижасида ишончсиз ва нотўғри маълумотларнинг мавжудлиги ёки маълумотлар бузиб кўрсатилганлиги.

23. Мазкур Низомнинг 22-бандида кўрсатилган ҳолатлар ва асослардан кўра бошқа сабабларга кўра молиявий ресурслар тақдим этиш рад этишига йўл қўйилмайди.

24. Тижорат банки буюртманома бўйича рад этиш тўғрисида билдириш-

* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

номада кўрсатилган рад этиш учун асос бўлган сабаб ва камчиликларини бартараф этган ҳолда, билдиришнома олган кундан бошлаб 10 иш куни мобайнида молиявий ресурслар олиш учун Вазирликка қайта буюртманома тақдим этишга ҳақли.

25. Вазирлик буюртманома такроран келиб тушган кундан бошлаб бир иш куни ичида унда кўрсатилган маълумотларнинг буюртманома ва билдиришномадаги маълумотларга мувофиқлигини текширади ҳамда маълумотлар тўлиқ мувофиқ бўлган тақдирда тегишли молиявий ресурсларни тижорат банкининг алоҳида очилган ҳисобварағига ўтказиб беради.

26. Жамғарма ўз маблағлари ҳисобидан ёш тадбиркорлик субъектининг инвестиция лойиҳаларини тўғридан-тўғри миллий валютада йиллик 14 фоиз, хорижий валютада эса 3 фоиз миқдорида молиялаштириши ҳам мумкин.

27. Жамғарма томонидан ўз маблағлари ҳисобидан тўғридан-тўғри молиялаштириш тартиби Экспорт ва инвестицияларни ривожлантириш масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси томонидан белгиланади.

6-боб. Жамғарма маблағларидан фойдаланиш юзасидан ҳисобот ва назорат

28. Жамғарма маблағларидан фойдаланиш бўйича ҳисоб ва ҳисоботлар Вазирлик томонидан юритилади.

29. Жамғарма маблағларининг тақсимланиши бўйича йиллик ҳисобот ҳар йили 15 январгача Вазирлик томонидан кўриб чиқилади ва тасдиқланади.

30. Жамғарманинг жорий йилда фойдаланилмай қолган маблағлари Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига олиб қўйилмайди ва улардан кейинги йилда фойдаланилади.

7-боб. Яқунловчи қоидалар

31. Жамғарма маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланилиши учун масъулият Вазирлик зиммасига юклатилади.

32. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**266 Самарқанд давлат университетининг Каттақўрғон филиали фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида***

Республикада олий таълимнинг талаб юқори бўлган йўналишларида ўқитишни ҳудудларда ташкил этиш, ёшларнинг олий таълим билан қамровини ошириш, талабаларни ўқишга қабул қилиш жараёнида шаффофликни таъминлаш, юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш, таълим жараёнига рақамли ва педагогик технологиялар ҳамда замонавий усулларни кенг жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шу муносабат билан Вазирлар Маҳкамасининг «2020 — 2022 йилларда Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон шаҳрини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва камбағалликни қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 23 сентябрдаги 580-сон қарорида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, Самарқанд вилоятида юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизimini кенгайтириш ва янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Самарқанд вилояти ҳокимлигининг Самарқанд вилояти Каттақўрғон шаҳрида Самарқанд давлат университетининг Каттақўрғон филиалини (кейинги ўринларда — Филиал) ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Қуйидагилар Филиалнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

худудда педагогика, иқтисодиёт, транспорт логистикаси соҳаларининг ривожланиш истиқболлари ва устувор вазифаларини, шунингдек, замонавий техника ҳамда технологияларнинг ривожланиш тенденцияларини ҳисобга олган ҳолда эҳтиёж юқори бўлган мутахассисликлар бўйича амалий кўникмаларни эгаллаган профессионал олий маълумотли кадрларни тайёрлаш;

хорижий етакчи ва нуфузли олий таълим муассасаларининг илғор тажрибасини татбиқ этиш асосида малака талаблари, ўқув режалари ва фан дастурларини ишлаб чиқиш, ўқув ва илмий-методик таъминотни такомиллаштириш ва амалиётга жорий этиш;

таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш, замонавий ахборот-коммуникация ва таълим технологияларининг мустаҳкам интеграциясини таъминлаш;

тегишли соҳа йўналишлари бўйича кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш, ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни ҳал этишга қаратилган инновацион тадқиқотларни фаол ривожлантириш;

республика ва хорижий олий таълим муассасалари ҳамда илмий марказларга иқтидорли ёш битирувчиларни магистратура ва докторантурага

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 19 майда эълон қилинган.

мунтазам юбориш орқали Филиал илмий-педагогик салоҳиятини ошириб бориш;

замонавий билим ва кўникмаларга эга юқори малакали мутахассислар тайёрлаш жараёнига илғор таълим технологиялари, шу жумладан масофавий ўқитиш услубларини жорий этиш;

Филиалнинг минтақа ва халқаро миқёсдаги нуфузини ошириш мақсадида хорижий фуқаролар учун таълим олиш имкониятини кенгайтириш ва илғор халқаро тажрибани татбиқ этиш.

3. Белгилансинки:

Филиал Самарқанд давлат университетининг юридик шахс мақомига эга бўлган таркибий бўлинмаси ҳисобланади, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи давлат тилида ёзилган муҳрга ва бланкаларга, мустақил балансга ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ғазначилигида шахсий ғазна ҳисобварақларига эга бўлади;

Филиалда таълим фаолияти 2021/2022 ўқув йилидан бошланади;

Филиалга талабаларни бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича давлат гранти ва тўлов-контракт асосида тенг улушда қабул қилиш сони ҳар йили белгиланган тартибда тасдиқланган республика олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш параметрларидан келиб чиққан ҳолда белгиланади;

Филиал Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон, Нарпай, Пахтачи, Иштихон ва Нуробод туманларидаги умумтаълим мактаблари, ўрта махсус таълим муассасаларида тегишли фанлардан дарс машғулотларини олиб боровчи ўқитувчиларга доимий равишда илмий-методик ёрдам кўрсатиб боради;

Филиалнинг педагогик ва илмий салоҳиятини ошириш, таълим жараёнини сифатли ташкил этиш учун юқори малакали мутахассисларни жалб қилиш мақсадида, шунингдек, жойлашув ҳудудини инобатга олиб, Филиал профессор-ўқитувчилари ва ходимларига меҳнатга ҳақ тўлашда мос равишда ягона тариф сеткаси разрядларига кўра тариф коэффициентлари ва базавий лавозим маошлари 1,4 баравар миқдорда ҳисобланади.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги 2021 йил 1 июлга қадар:

Филиал тузилмаси олий таълим муассасалари учун белгиланган нормативларга мувофиқ тасдиқланишини таъминласин;

Филиал уставини белгиланган тартибда тасдиқласин ва уни давлат рўйхатидан ўтказиш чораларини кўрсин;

Филиални танлов асосида, шу жумладан республика олий таълим муассасаларида фаолият юритаётган амалий тажрибага эга бўлган юқори малакали профессор-ўқитувчилар билан таъминласин;

Филиалда ўқув-методик жараённинг ташкил этилиши юзасидан зарур чора-тадбирларни амалга оширсин;

белгиланган тартибда Филиалнинг штатлар жадвали ва харажатлар сметаси тасдиқланишини ва рўйхатдан ўтказилишини таъминласин;

Филиал ахборот-ресурс марказини қўшимча ўқув, илмий ва бадиий адабиётлар билан таъминлаш чораларини кўрсин.

5. Республика олий таълим тизимидаги мавқеи, илмий салоҳияти, узок йиллар давомида шаклланган анъаналарини инобатга олган ҳолда, Самарқанд давлат университети Филиалга қўйидаги йўналишларда кўмак бериб борсин:

салоҳиятли кадрларни жалб этган ҳолда таълим ва илмий фаолиятни сифатли ташкил этиш;

таълим, тарбия, илмий ва методик жараёнларни самарали бошқариш; таълим жараёнига замонавий педагогик технологияларни жорий этиш; дарслик, ўқув қўлланмалари, ўқув-методик материаллар ва ахборот ресурслари билан таъминлаш;

профессор-ўқитувчиларнинг малакасини ошириш ва иқтидорли ёшлар селекциясини амалга ошириш;

илмий-тадқиқот ишлари учун қўшимча шароитлар яратиш ва илмий мактабларни ривожлантириш.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги Филиални салоҳиятли профессор-ўқитувчилар билан таъминлаш мақсадида республиканинг етакчи олий таълим муассасаларида тегишли соҳалар бўйича 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб магистратурада ва 2022 йилдан бошлаб таянч докторантурада кадрларни мақсадли тайёрлаш чораларини кўрсин.

7. Самарқанд вилояти, Каттакўрғон шаҳар, Амир Темур кўчаси, 27-уй манзилида жойлашган собиқ Самарқанд давлат чет тиллар институти ҳузурарида 2-сон академик лицейининг бино ва иншоотлари Филиалга оператив бошқарув ҳуқуқи асосида бепул берилсин.

8. Филиал фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари, талабаларнинг тўлов-контракт асосида таълим олишидан, хўжалик фаолияти ва шартномалар асосида хизмат кўрсатишдан тушадиган маблағлар, халқаро молия ташкилотларнинг грантлари, жисмоний ва юридик шахсларнинг хомийлик хайриялари, шунингдек, қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар белгилансин.

9. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан бирга Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тақдим этилган асосланган ҳисоб-китобларга биноан тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқ Филиал учун қўшимча ўқув биноси, 2 та талабалар турар жойи бинолари, спорт иншоотини қуриш ҳамда мавжуд бино ва иншоотларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ҳамда жиҳозлаш лойиҳаларини 2022 йил ҳамда кейинги йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурига белгиланган тартибда киритилишини таъминласин.

10. Белгилаб қўйилсинки:

мазкур қарорда назарда тутилган харажатларни молиялаштириш 2021 йилда Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан бирин-

чи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи сифатида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига ажратилган маблағлар доирасида, 2022 йилдан бошлаб эса Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида назарда тутилади;

Филиалнинг бошланғич фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида унга ажратилган бино ва иншоотларни жорий таъмирлаш ва жиҳозлаш (мебель, компьютер техникаси, ўқув адабиётлари ва бошқа моддий-техника воситаларини харид қилиш) ишлари Самарқанд давлат университетининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Олий таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобига қопланади;

Филиалда кўшимча спорт иншоотлари барпо этилгунига қадар Филиал талабалари, шу жумладан спорт фаолияти бакалаврият таълим йўналишида таълим олувчиларнинг спорт машғулоти Каттақўрғон шаҳар болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг базасида бепул амалга оширилади.

11. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда республикадаги етакчи олий таълим муассасалари томонидан уларнинг юқори малакали профессор-ўқитувчиларини жалб қилган ҳолда Филиалда онлайн маъруза ўтказиш ҳамда масофавий таълим технологияларини жорий этиш учун уч ой муддатда белгиланган тартибда телекоммуникация жиҳозлари ва инфратузилма билан таъминлаш, шунингдек, Филиални юқори тезликдаги Интернет жаҳон ахборот тармоғи ҳамда «Электрон таълим» миллий тармоғига улаш чораларини кўрсин.

12. Самарқанд вилояти ҳокимлиги Филиал фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида фаолият юритиш учун жалб этиладиган малакали профессор-ўқитувчиларни белгиланган тартибда хизмат уйлари билан таъминласин.

13. Филиалга 2 та, шу жумладан 1 та хизмат ва 1 та навбатчи енгил автотранспорт воситаларини сақлаш учун лимит ажратилсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

15. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Б.А. Мусаев, Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири А.Х. Тошқулов ҳамда Самарқанд вилояти ҳокими Э.О. Турдимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 18 май,
307-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲҚАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**267 Халқаро IT-сертификатларга эга ёш мутахассислар-
ни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 февралдаги ПФ-6155-сон Фармони билан тасдиқланган «2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури» ижросини таъминлаш, шунингдек, ёшларни ўқитиш ва уларнинг халқаро IT-сертификатларини олиш учун 50 фоизгача харажатларини қоплаш тизимини жорий этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. 2021 йил 1 июндан бошлаб ёшларнинг халқаро IT-сертификатларини олиш харажатларининг 50 фоизгача бўлган қисмини қоплаб бериш тартиби жорий этилсин.

2. Ёшларнинг халқаро IT-сертификатларни олиш харажатларининг 50 фоизгача бўлган қисмини қоплаб бериш мақсадида Дастурий махсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки дирекциясининг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ҳазначилигида алоҳида шахсий ҳазна ҳисобварағи (кейинги ўринларда — шахсий ҳисобварақ) очилсин.

Бунда, шахсий ҳисобварақ маблағлари 2021 йилда Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи сифатида Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига ажратилган маблағлар ҳамда соҳа ташкилотлари маблағлари доирасида, 2022 йилдан бошлаб эса — Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида назарда тутилган манбалар ҳисобидан шакллантирилади.

3. Халқаро IT-сертификатларга эга ёшларнинг ўқиши ҳамда уларнинг халқаро IT-сертификатларни олиши учун сарф қилган харажатларининг 50 фоизгача бўлган қисмини молиялаштириш учун масъул ваколатли орган этиб — Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, ишчи орган этиб — Дастурий махсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки дирекцияси белгилансин.

Бунда:

а) шахсий ҳисобварақнинг тушумлари ва харажатларининг йиллик параметрларини, уларнинг ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисоботларни, йиллик иш режаларини тасдиқлаш;

эҳтиёжларни ўрганиш асосида республикада талаб юқори бўлган халқаро IT-сертификатлар ва ушбу сертификатларни тақдим қилувчи компаниялар ҳамда Global Knowledge компанияси томонидан ҳар йили шакллантириладиган халқаро IT-сертификатлар рўйхатига асосан тасдиқлаш;

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 20 майда эълон қилинган.

шахсий ҳисобварақнинг маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ жараёнлар ваколатли орган томонидан амалга оширилади;

б) республикада ёшларнинг халқаро ИТ курсларда ўқиш ва халқаро ИТ-сертификатларга бўлган эҳтиёжини ўрганиш ҳамда халқаро ИТ-сертификатлар олиш учун сарф қилган харажатларини қоплаб бериш юзасидан муурожаат қилган ёшларнинг ҳужжатларини кўриб чиқиш ва кўриб чиқиш якунлари бўйича хулоса тайёрлаш ишчи орган томонидан амалга оширилади.

4. Халқаро ИТ-сертификатларга эга ёшларни ўқиши ҳамда уларнинг халқаро ИТ-сертификатларни олиши учун сарф қилган харажатларининг 50 фоизгача бўлган қисмини молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги 2021 йил 1 августга қадар:

а) Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси, «Эл-юрт умиди» жамғармаси билан биргаликда «Ўзбекистоннинг ИТ-истеъдодлари» порталига (кейинги ўринларда — Портал) қўйидагиларни жойлаштириш чораларини кўрсин:

халқаро ИТ-сертификатларнинг ихтисослашуви ва йўналишлари ҳамда халқаро ИТ-сертификатларни олиш тартиби;

халқаро ИТ-сертификатлар учун тўланиши зарур бўлган тўловлар миқдорлари ва уларни тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этиш тартиби;

халқаро ИТ-сертификатлар беришга ихтисослаштирилган хорижий, маҳаллий ва республика компанияларининг ва таълим муассасаларининг расмий веб-сайти тўғрисидаги маълумотлар;

халқаро ИТ-сертификатга эга бўлган ва ушбу қарор ижроси бўйича рағбатлантирилган ёшлар тўғрисидаги маълумотлар;

б) Портал орқали халқаро ИТ-сертификатга эга бўлган талабгор ёшларнинг аризаларини қабул қилиш учун зарур ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатларнинг намунавий шакллари ҳамда бланкаларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

6. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси, «Эл-юрт умиди» жамғармаси 2021 йил 30 октябрга қадар белгиланган тартибда Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети, Тошкент шаҳридаги Инха университети, Тошкент шаҳридаги Амита университети ҳамда ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси учун кадрлар тайёрлайдиган таълим муассасаларида халқаро ИТ-сертификат тақдим қилувчи тегишли ташкилотларнинг аккредитациядан ўтган сертификатлаш марказлари ҳамда ўқув курсларини ташкил қилиш чораларини кўрсин.

7. Вазирликлар ва идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига ихтисослаштирилган таркибий бўлинма лавозимларига ишга қабул

қилишда халқаро IT-сертификатларга эга ёш мутахассисларга (номзодларга) устунлик берилиши тавсия этилсин.

8. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири маслаҳатчиси — IT-технологиялар, телекоммуникациялар ва инновацион фаолиятни ривожлантириш масалалари департаменти бошлиғи О.М. Умаров, ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири Ш.М. Садиков ҳамда молия вазири Т.А. Ишметов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 19 май,
310-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 19 майдаги 310-Ф-сон қарорига
ИЛОВА

**Халқаро IT-сертификатларга эга ёшларнинг ўқиши ҳамда
уларнинг халқаро IT-сертификатларни олиш учун сарф
қилган харажатларининг 50 фоизгача бўлган қисмини
молиялаштириш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан халқаро IT-сертификатларга эга ёшларнинг ўқиши ҳамда уларнинг халқаро IT-сертификатларни олиши учун сарф қилган харажатларининг 50 фоизгача бўлган қисмини молиялаштириш тартибини белгилайди.

2. Ёшларнинг халқаро IT-сертификатларни олиш учун 50 фоизгача харажатларини қоплаб бериш ушбу Низомга иловада* келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

3. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

ваколатли орган — Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги.

* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ишчи орган — ваколатли органнинг ташкилий вазифаларини амалга оширувчи Дастурий махсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки дирекцияси;

ёшлар — ўн тўрт ёшга тўлган ва ўттиз ёшдан ошмаган шахслар;

портал — Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ахборот технологиялари соҳасида таълим тизимини янада такомиллаштириш, илмий тадқиқотларни ривожлантириш ва уларни ИТ-индустрия билан интеграция қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 6 октябрдаги ПҚ-4851-сон қарори билан ишга туширилган «Ўзбекистоннинг ИТ-истеъдодлари» портали;

талабгор — халқаро ИТ-сертификатларга эга бўлган Ўзбекистон Республикасининг фуқароси;

халқаро ИТ-сертификатлар — ваколатли орган томонидан тасдиқланган ахборот тизими бошқаруви, маълумотлар базаси ва «булутли» платформани бошқариш, ахборот хавфсизлигини таъминлашга оид республикада ва чет элда олинган халқаро ИТ-сертификатлар;

верификация — талабгор томонидан тақдим этилган халқаро ИТ-сертификатнинг ҳақиқийлигини масъул ваколатли органнинг электрон тизими орқали текшириш.

2-боб. Талабгорларнинг ҳужжатларини қабул қилиш

4. Талабгорлар томонидан тўлдириладиган ариза шакли ваколатли орган томонидан тасдиқланади ва ишчи органнинг расмий веб-сайти ҳамда Порталга жойлаштирилади.

5. Талабгор халқаро ИТ-сертификат олиш учун қилинган харажатларининг 50 фоизгача бўлган қисмини қоплаб бериш юзасидан Порталда электрон ариза бериб рўйхатдан ўтади.

6. Рўйхатдан ўтиш учун талабгор порталга қуйидаги ҳужжатларни киритиши лозим:

фуқаролик паспорти (фуқаролик паспорти бўлмаган тақдирда туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома) ёки идентификация ID-картаси, рангли фото-суратнинг электрон шакли (туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома билан мурожаат қилганда);

талабгорнинг халқаро ИТ-сертификат олиш учун сарф қилган харажати тўланганлигини тасдиқловчи тўлов қвитанцияси нусхаси;

халқаро ИТ-сертификат нусхаси;

копланиши зарур бўлган маблағлар қайси ҳисобвараққа йўналтирилиши ҳақидаги маълумотлар;

Талабгор рўйхатдан ўтиш жараёнида Порталга халқаро ИТ-сертификат олишга ва/ёки халқаро ИТ-сертификат олиш учун ўқув курсига тўлов (харажат)ларнинг аниқ миқдорини, шунингдек, халқаро ИТ-сертификат тақдим қилувчи тегишли ташкилотларнинг аккредитациядан ўтган сертификатлаш марказлари, ўқув марказларидан халқаро ИТ-сертификат олиш учун ўқиганлигини ва ўқув курсини тамомлаганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилиши лозим.

Талабгордан ушбу бандда назарда тутилмаган ҳужжатларни талаб қилишга йўл қўйилмайди.

Талабгор ҳақидаги маълумотларнинг тўғрилигига талабгорнинг ўзи шахсан жавоб беради.

7. Талабгорлар Порталдан бепул рўйхатдан ўтади.

3-боб. Талабгорларнинг ҳужжатларини кўриб чиқиш

8. Ишчи орган талабгорнинг аризасини зарур ҳужжатлари билан бирга беш иш куни мобайнида кўриб чиқади ҳамда талабгор томонидан тақдим қилинган халқаро IT-сертификатни верификациядан ўтказди.

Агар халқаро IT-сертификатнинг ҳақиқийлигини верификация орқали аниқлашнинг имкони бўлмаса, ишчи орган халқаро IT-сертификат тақдим қилган ташкилотга ушбу сертификатнинг ҳақиқийлиги юзасидан сўров юборади. Бунда ишчи орган томонидан сўров юборилганда, халқаро IT-сертификатнинг ҳақиқийлигини аниқлаш муддати 30 календарь кунга узайтирилади.

9. Қўйидаги ҳолатларда:

верификация ёки халқаро IT-сертификат тақдим қилган ташкилотга юборилган сўров натижасига кўра ушбу сертификатнинг ҳақиқий эмаслиги аниқланганда;

халқаро IT-сертификат тақдим қилган ташкилотга юборилган сўровга жавоб олинмаганда ишчи орган томонидан талабгорнинг аризасини қаноатлантирмасдан қолдириш тўғрисида қарор қабул қилинади.

10. Ишчи орган томонидан халқаро IT-сертификат тақдим қилган ташкилотга юборилган сўровга 30 календарь кун ичида жавоб олинмаганда, шунингдек, халқаро IT-сертификатнинг ҳақиқий ёки ҳақиқий эмаслиги ҳақида кечикиб жавоб олинганда ишчи орган бу ҳақида Портал орқали СМС юбориш орқали талабгорни хабардор қилади.

Бунда халқаро IT-сертификатнинг ҳақиқийлиги тегишли ташкилот томонидан 30 календарь кундан кейин тасдиқланганда талабгор мазкур Низом талабларига мувофиқ такроран мурожаат этмасидан унга тегишли харажатлар тўлаб берилади.

Ишчи орган талабгор томонидан тақдим қилинган ҳужжатларга ойдинлик киритишни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

11. Муқаддам халқаро IT-сертификатларнинг бир тури бўйича халқаро IT-сертификат олиш харажатининг 50 фоизгача бўлган қисми қопланган талабгорнинг халқаро IT-сертификатларнинг айнан шу тури бўйича такроран қилган харажатлари қопланмайди.

Муқаддам халқаро IT-сертификатларнинг бир тури бўйича халқаро IT-сертификат олиш харажатининг 50 фоизгача бўлган қисми қопланган талабгор халқаро IT-сертификатларнинг бошқа тури бўйича минимал кўрсаткич ёки ундан юқори натижа қайд этса, унга ушбу Низом талабларига мувофиқ халқаро IT-сертификат олиш харажатининг 50 фоизгача бўлган қисми тўлаб берилади.

12. Ўн олти ёшга тўлмаган фуқароларнинг халқаро IT-сертификат олиш харажатининг 50 фоизгача бўлган қисми қоплаб берилишини сўраб ушбу фуқароларнинг қонуний вакиллари мурожаат қилишлари мумкин.

Бунда тегишли харажатлар ушбу Низом талабларига мувофиқ ўн олти ёшга тўлмаган фуқароларнинг қонуний вакилларига тўлаб берилади.

13. Ишчи орган талабгор ҳужжатларини умумлаштириб, молиялаштириш юзасидан таклифларни беш иш куни ичида ваколатли органга келишиш учун киритади.

Ишчи орган ёшларни халқаро IT-сертификатлар учун ўқиши ва/ёки халқаро IT-сертификатлар олиш харажатларининг қопланиши лозим бўлган аниқ миқдори (50 фоизгачаси)ни белгилашда ушбу халқаро IT-сертификатнинг бошланғич, ўрта ва профессионал даражасига оид мезонларни инобатга олиши лозим.

14. Ишчи орган ўз хулосасини тайёрлашда ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси бўйича фаолият юритувчи олий ва илмий-тадқиқот таълим муассасалари, вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлардан тақдим этилган ҳужжатларнинг ҳақиқийлигини аниқлаш чораларини кўришга ҳақли.

Халқаро IT-сертификатга эга бўлмасдан туриб талабгорнинг халқаро IT-сертификати олиш учун ўқув курсига тўлаган харажатлари қопланишига йўл қўйилмайди.

15. Ишчи орган томонидан киритилган таклифлар ваколатли орган томонидан уч иш куни ичида келишилади.

4-боб. Талабгор харажатларини молиялаштириш

16. Ваколатли орган томонидан таклифлар келишилгандан сўнг ишчи орган бир иш куни ичида тегишли маблағларни талабгорга ўтказиб бериш юзасидан буюртманомга тайёрлайди.

17. Ишчи орган уч иш куни мобайнида халқаро IT-сертификатларни олиш учун сарфланган харажатларнинг бир қисмини қоплаш учун тегишли пул суммасини талабгор томонидан кўрсатилган тегишли ҳисобвараққа ўтказиб беради.

Талабгорнинг хоҳишига кўра ушбу харажатлар нақд ёки нақд пулсиз шаклда тўланиши мумкин.

18. Ишчи орган молиялаштирилган халқаро IT-сертификатлар ва уларнинг эгалари ҳақидаги маълумотларни молиялаштириш тўлиқ яқунланганидан кейин уч кун ичида улар Порталга қўйилишини таъминлайди.

19. Портал Ишчи орган томонидан юритилади ва техник жиҳатдан қўллаб-қувватланади.

5-боб. Апелляция комиссияси

20. Ишчи орган томонидан ҳужжатлари кўриб чиқилиши яқунларига кўра салбий қарор чиқарилган талабгорлар ваколатли органга апелляция бериш ҳуқуқига эгадир. Апелляция ёзма шаклда тақдим этилади.

21. Апелляцияни кўриб чиқиш учун ваколатли орган томонидан Апелляция комиссияси ташкил қилинади.

22. Апелляция комиссияси беш кун муддат ичида берилган апелляцияни даъвогар иштирокида кўриб чиқиши ва тегишли қарор қабул қилиши зарур. Апелляция комиссиясининг иши баённома билан расмийлаштирилади. Баённома апелляция комиссиясининг барча аъзолари ва даъвогар томонидан имзоланади.

23. Қайта апелляцияга йўл қўйилмайди.

6-боб. Якунловчи қоидалар

24. Эксперт кенгаши аъзолари ушбу Низомга мувофиқ харажатларини қоплаш тавсия этилган номзодларнинг ҳужжатлари холисона ва қонуний кўриб чиқилиши учун бевосита масъулдир.

25. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

268 Хорижий тилларни ўрганишни оммалаштиришни самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2021 йил 19 майдаги ПҚ–5117-сон қарорига мувофиқ, шунингдек, хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирларни самарали амалга ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2021 йил 19 майдаги ПҚ–5117-сон қарорининг:

1-бандига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) ҳамда Агентликнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги ҳудудий вакиллари лавозимлари ташкил этилганлиги;

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 20 майда эълон қилинган.

2-бандига мувофиқ Агентлик ва унинг вакиллари Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ҳузуридаги Чет тилларини ўқитишнинг инновациявий методикаларини ривожлантириш республика илмий-амалий марказининг 34 та штат бирлиги, Халқ таълими вазирлиги ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимининг 39 та штат бирлиги ҳисобидан ташкил этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ Агентлик:

давлат органлари ва ташкилотлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва давлат таълим муассасаларининг хорижий тилларни ўқитишни оммалаштириш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштиради;

хорижий ва маҳаллий ҳамкорлар билан алоқалар ўрнатиб, уларнинг молиявий, ташкилий ва услубий кўмагини мамлакатда хорижий тилларни ўрганишни оммалаштиришга жалб қилишни ташкил этади;

вазирлик ва идоралар билан биргаликда давлат хизматчиларининг касбий фаолиятини хорижий тилларда амалга ошириш имкониятини берувчи услубиётларни ишлаб чиқиб, амалиётга жорий этади;

талаб юқори бўлган камида ўнта хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш бўйича комплекс чора-тадбирларни белгилайди;

хорижий тиллар ўқитувчилари учун малака талаблари ва баҳолаш мезонларини ишлаб чиқади ҳамда уларга малака тоифасини бериш жараёнини очиқлик тамойили асосида ташкил этади;

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси билан биргаликда хорижий тилларни билиш даражасини баҳоловчи халқаро тан олинган сертификатларнинг рўyxатини ҳамда хорижий тилларни билиш даражасини белгиловчи миллий ва халқаро тан олинган сертификатларнинг даражалари ўртасидаги мувофиқликни тасдиқлайди.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ҳузуридаги Чет тилларини ўқитишнинг инновациявий методикаларини ривожлантириш республика илмий-амалий маркази (кейинги ўринларда — Марказ) фаолиятини тугатиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Белгилансинки:

Агентлик Марказнинг бутун узлуксиз таълим тизими учун чет тиллари бўйича халқаро стандартларга мувофиқ давлат таълим стандартлари, ўқув режалари ва дастурларини, ўқув ҳамда ўқув-методик қўлланмаларни ишлаб чиқиш ва доимий тарзда такомиллаштириш бўйича шартномалари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ҳамда хўжалик шартномалари бўйича ҳуқуқий вояси ҳисобланади;

Марказнинг 4 та штат бирлиги негизида Хорижий мамлакатларнинг чет тилларини ўқитиш соҳасидаги нуфузли малака ошириш марказлари билан ҳамкорликда икки томонлама сертификатлаш тизими бўйича тармоқ малака ошириш тузилмаси ташкил этилади;

Агентлик ҳудудий вакилликлари Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади ҳамда уларнинг фаолиятини ташкилий ва моддий-техник жиҳатдан таъминлаш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар

Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан амалга оширилади.

4. Қўйидагилар Агентлик фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

2021 йилда Давлат бюджетидан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига ўқитувчилар малакасини ошириш учун ажратилиши назарда тутилган маблағлар;

Давлат бюджети маблағлари;

халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари маблағлари, грантлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

5. Агентлик ҳузурида таълим ташкилотларининг хорижий тиллар педагогларининг малакасини ошириш бўйича мобил гуруҳлар (кейинги ўринларда — мобил гуруҳлар) ташкил этилсин. Бунда, қўйидагилар назарда тутилади:

мобил гуруҳлар энг аввало, олис ҳудудларда жойлашган ёки хорижий тилларни ўқитиш бўйича кўрсаткичи паст бўлган таълим ташкилотлари ўқитувчиларининг малакасини оширишга жалб этилиши;

мобил гуруҳлар республикада фаолият юритаётган нодавлат таълим ташкилотлари ва хорижий ҳамкорлар вакилларидан иборат таркибда шакллантирилиши ва уларнинг фаолияти Агентлик, Халқ таълими вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг бюджетдан ташқари маблағлари, грантлар ва қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилиши;

мобил гуруҳлар томонидан «каскад» тамойили асосида ҳудудларда тажрибали хорижий тиллар ўқитувчилари орасидан хорижий тилларни ўқитиш ва оммалаштириш бўйича тренерлар (coach)ни тайёрлаб, уларнинг ҳудуддаги чет тиллари ўқитувчиларининг малакасини ошириш бўйича фаолиятини ташкил этишга услубий ва ташкилий ёрдам кўрсатилади.

Агентлик Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб мобил гуруҳлар фаолиятини йўлга қўйсин.

Бунда, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари мобил гуруҳларга таълим жараёнини жойларда ташкил этиши учун Агентлик билан келишилган ҳолда автотранспорт воситалари (микроавтобус)ни доимий асосда бириктириб, уларни эксплуатация қилиш билан боғлиқ барча харажатлар қопланишини таъминласин.

6. Қўйидагилар:

Негизда хорижий тилларни ўқитишга ихтисослаштирилган мактаблар ташкил этиладиган умумий ўрта таълим муассасалари ҳамда уларга бириктириладиган олий таълим муассасалари рўйхати 1-иловага* мувофиқ;

2021 йилда хорижий тилларни ўқитишга ихтисослаштирилган мактаб-

* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ларни техник воситалар билан жиҳозлаш дастури 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Бунда:

мазкур қарорнинг 2-илоvasида кўрсатилган мактабларни техник воситалар билан жиҳозлаш маҳаллий бюджет ва унинг қўшимча манбалари ҳисобидан амалга оширилсин;

хорижий тилларни ўқитишга ихтисослаштирилган мактабларга бириктирилган олий таълим муассасаларига хорижий тилларни ўқитиш бўйича таянч олий таълим муассасаси этиб белгилансин ва уларда Агентликнинг худудий вакилликлари жойлаштирилсин.

7. Қуйидагилар хорижий тилларни ўқитишга ихтисослаштирилган мактаблар фаолиятининг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

ўқувчиларнинг асосий тил кўникмаларини (тинглаб тушуниш, ўқиш, ёзиш ва гапириш) ривожлантириш учун шароитлар яратиш, шу жумладан олий таълим муассасаларининг хорижий тиллар кафедраларини бириктириш орқали ўқувчиларнинг хорижий тилларни чуқур ўрганишини ташкил этиш;

ўқувчиларни хорижий тилларга ўқитиш ва уларнинг билимларини баҳолашнинг халқаро тан олинган услубларини жорий қилиш, шу жумладан таълим жараёнида масофавий ва бошқа замонавий таълим шаклларини кенг қўллаш ҳамда бошқа фанларни хорижий тилларда ўқитиш;

ўқувчиларнинг камида иккита хорижий тилни мукамал ўзлаштириши орқали уларнинг дунёқараши кенгайиши, салоҳияти ошиши ҳамда меҳнат бозорида рақобатбардошлиги оширилишини таъминлаш.

8. Қуйидагилар хорижий тилларни ўқитишга ихтисослаштирилган мактабларга бириктирилган олий таълим муассасаларининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

ўқув жараёнини методик қўллаб-қувватлаш, ўқувчиларнинг асосий тил кўникмаларини мустақамлаш ва қўллашда кўмаклашиш, шу жумладан таълим жараёнига хорижий мутахассисларни жалб этиш;

таълим жараёнига малакали профессор-ўқитувчилар ва иқтидорли талабаларни жалб қилиш чораларини кўриш ҳамда улар иштирокида маҳорат дарсларини ташкил қилиш;

хорижий тилларга ўқитиш курслари ва тўғарақлари фаолиятини йўлга қўйиш, шунингдек, ўқувчилар ўртасида кўрик-танловлар ва олимпиадалар ташкил этиш.

Ихтисослаштирилган мактабларга бириктириладиган олий таълим ташкилотларининг хорижий тилларни ўқитишга ихтисослаштирилган мактабларда хорижий тилларни ўқитишни оммалаштиришга оид харажатлари ушбу ташкилотларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан қоплансин.

9. Давлат таълим муассасалари хорижий тиллар ўқитувчилари учун хорижий тилларни ўзлаштириш даражаси бўйича қуйидаги талаблар белгилансин:

2022/2023 ўқув йилидан бошлаб, давлат таълим муассасаларининг хорижий тиллар ўқитувчилари лавозимларига ишга янги қабул қилинаёт-

* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ган талабгор камида В2 даражадаги миллий ёки унга тенглаштирилган мос даражадаги халқаро сертификатга эга бўлиши лозим;

2022/2023 ўқув йилига қадар давлат олий таълим муассасаларида фаолият юритаётган барча хорижий тиллар ўқитувчилари камида С1 даражадаги миллий ёки унга тенглаштирилган мос даражадаги халқаро сертификатга эга бўлиши лозим;

2024/2025 ўқув йилига қадар давлат олий таълим муассасаларида фаолият юритаётган касбий фанлар (хорижий тилдан ташқари) ўқитувчиларининг 50 фоизи камида В2 даражадаги миллий ёки унга тенглаштирилган мос даражадаги халқаро сертификатга эга бўлиши лозим;

2024/2025 ўқув йилига қадар умумий ўрта, ўрта махсус ва профессионал таълим муассасаларида фаолият юритаётган барча хорижий тиллар ўқитувчилари камида В2 даражадаги миллий ёки унга тенглаштирилган мос даражадаги халқаро сертификатга эга бўлиши лозим.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Агентлик билан биргаликда бир ой муддатда таълим ташкилотлари ўқитувчилари тегишли сертификатни олиш учун тайёрланишини ташкил этсин.

10. Қўйидагилар:

Хорижий тилларни ўқитиш сифатини яхшилаш, илмий тадқиқотлар кўламини кенгайтириш, аҳолининг хорижий тилларни ўрганишга бўлган қизиқишини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури 3-иловага* мувофиқ;

Таълим тизимида хорижий тилларга ўқитиш тизимини такомиллаштиришга оид мақсадли кўрсаткичлар 4-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари раҳбарлари комплекс чора-тадбирлар дастурида белгиланган вазифалар ҳамда хорижий тилларга ўқитиш тизимини такомиллаштиришга оид мақсадли кўрсаткичларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун шахсан масъул эканликлари белгилаб қўйилсин.

11. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) хорижий тиллар бўйича ўтказиладиган республика олимпиадаларида иштирокчиларнинг 4 та кўникмасини (тинглаб тушуниш, ўқиш, ёзиш ва гапириш) баҳолаш тартиби жорий этилади.

Халқ таълими вазирлиги Агентлик билан биргаликда 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб хорижий тиллар бўйича олимпиадаларнинг республика босқичини такомиллаштирилган тартиб асосида ўтказилишини ҳамда ҳакамлар ҳайъатига фаолият юритаётган хусусий ва хорижий, шу жумладан хорижий тиллар бўйича имтиҳон ўтказадиган халқаро ташкилотларнинг мутахассислари жалб қилинишини таъминласин;

б) 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб, танланган умумтаълим мактаблари 4-синф битирувчилари, 2024/2025 ўқув йилидан бошлаб эса 9-синф

* 3-4-илвалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

битирувчиларининг хорижий тилларни билиш даражасини аниқлаш бўйича махсус синов ўтказиш амалиёти йўлга қўйилади.

Халқ таълими вазирлиги Агентлик ва Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси билан биргаликда ўтказиладиган махсус синов натижалари асосида хорижий тилларни ўқитиш услубиётини такомиллаштириш чораларини кўриб борсин.

12. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари ўз ҳудудларида хорижий тилларни ўқитиш сифатини ошириш мақсадида:

ҳар йили туман (шаҳар)даги мактабларни хорижий тилларни ўқитиш учун зарур бўлган адабиётлар, асбоб-ускуналар, замонавий ахборот технологиялари билан таъминлашга маҳаллий бюджетдан 1 млрд сўмдан кам бўлмаган миқдорда маблағлар ажратиб борсин;

Агентлик ва Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда умумтаълим муассасаларига тил эгаси бўлган малакали хорижий мутахассисларни жалб қилиш ишларини йўлга қўйиб, уларнинг жалб этилиши, шу жумладан жойлаштирилиши билан боғлиқ харажатларни қоплаш маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан амалга ошириб борсин;

Агентлик билан биргаликда ҳар бир туман (шаҳар)да очиқ танлов ўтказиб, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан камида икки нафар инглиз тили ўқитувчилари ва бир нафар бошқа хорижий тил ўқитувчисининг хорижий давлатларга қисқа муддатли малакасини оширишга юбориш тизимини йўлга қўйсин.

13. Хорижий тилларни ўқитишни рақамлаштириш, соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш мақсадида:

а) ҳудудлардаги IT-марказларда ёшларни хорижий тилларга онлайн ўргатиш курслари йўлга қўйилсин ҳамда мазкур харажатларининг бир қисми қонунчиликда белгиланган тартибда Ёшлар жамғармаси ҳисобидан қоплаб берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги икки ой муддатда IT-марказларда хорижий мутахассисларни жалб қилган ҳолда онлайн ўқув курсларини ташкиллаштириш бўйича чора-тадбирлар режасини тасдиқласин;

б) таълим бериш жараёнини ўқитишнинг масофавий (онлайн) технологиялари асосида ташкил этувчи таълим ташкилотларининг фаолиятини лицензиялаш тартиб-таомиллари қуйидагиларни назарда тутган ҳолда содалаштирилсин:

таълим ташкилотининг ўқув воситаларига оид шартларини қайта кўриб чиқиб, ўқитишнинг масофавий (онлайн) технологияларига оид алоҳида талабларни белгилаш;

таълим бериш жараёнини тан олинган хорижий ва халқаро стандартлар асосида ташкил этиш учун ҳуқуқий асосларни шакллантириш;

таълим бериш жараёнини автоматлаштирилган дастур ва видеокурслар орқали масофавий (онлайн) тарзда олиб бориш имконини инobatга олиш;

таълим бериш жараёнига айрим соҳалар, шу жумладан ахборот-ком-

муникация технологиялари йўналишида педагог кадрлар билан бир қаторда амалий кўникмаларга эга шахсларни ҳам жалб этиш имконини яратиш.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси, Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ва Адлия вазирлиги икки ой муддатда таълим бериш жараёнини ўқитишнинг масофавий (онлайн) технологиялари асосида ташкил этувчи таълим ташкилотларининг фаолиятини лицензиялаш тартиб-таомилларини қайта кўриб чиқиш бўйича қарор лойиҳасини киритсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган давлат бошқаруви органлари 2021 йил якунига қадар олий таълим муассасаларида давлат-хусусий шериклик асосида ўқитувчи ва талабаларга хорижий тилларни ўқитиш марказлари (курслари)ни ташкил этиш чораларини кўрсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги:

бир ой муддатда умумтаълим мактабларнинг хатловдан ўтказилиши ва уларнинг бўш жойлари, шу жумладан ўқув хоналари, ишлаб чиқариш устахоналари, бино ва иншоотларининг хорижий тилларни ўқитиш ва бошқа таълим фаолиятини ташкил этиш учун тадбиркорлик субъектларига имтиёзли асосда ижарага берилишини таъминласин;

икки ой муддатда Давлат бюджети параметрларида унга ажратилган маблағлар ҳисобидан 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб, хорижий тиллар фанлари бўйича дарсликларни улардаги машқларни эшитиб бажариш имконини берадиган интерактив ҳавола ва кодлар билан бойитиш ҳамда эшитиш учун мўлжалланган вазифаларни барча танишиши мумкин бўлган ахборот ресурсларида жойлаштириш чораларини кўрсин.

16. Агентлик Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, Г-9а, 21-уй манзилидаги Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг биносига ноль ставка бўйича ижара тўлови асосида билан жойлаштирилсин.

17. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси Миллий ахборот агентлиги ва Агентлик билан биргаликда:

уч ой муддатда 24 соат давомида хорижий тилларда эфирга узатиладиган теле ва радио каналларини ишга туширсин ва бунда ҳар кўни камида 3 соатлик дастурни хорижий тилларни онлайн ўргатишга ажратиб борсин;

халқаро ташкилотлар билан бирга хорижий тилларда ёшларга мўлжалланган ва улар иштирокида тайёрланган турли илмий-оммабоп ҳамда кўнгилочар кўрсатувлар эфир вақтини оширсин ҳамда мунтазам равишда тегишли телерадиоканаллар орқали эфирга узатиб борсин;

болалар учун мўлжалланган хорижий тилдаги телевизион асарларни дубляжсиз, асл тилида, зарур ҳолларда ўзбек, инглиз ва рус тилларига титрли таржима қилган ҳолда эфирга узатишни йўлга қўйсин;

мазкур қарор мазмун-моҳияти ва амалий аҳамиятини ёритишга оид мақолалар, брифинглар, тематик телекўрсатувлар ташкил этсин.

18. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Рес-

публикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Б.А. Мусаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 19 май,
312-сон

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА
КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

269 Мобиль алоқа хизматларини кўрсатувчи юридик шахслар (уяли алоқа компаниялари) томонидан абонент рақамидан фойдаланганлик учун тўловларни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 7-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 10 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2329-7

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-599-сон «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ҳамда 2020 йил 7 январдаги ЎРҚ-601-сон «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимча киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2012 йил 1 февралдаги 2-ю, 7-сон қарори (рўйхат рақами 2329, 2012 йил 21 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 8-9-сон, 89-модда) билан тасдиқланган Мобиль алоқа хизматларини кўрсатувчи юридик шахслар (уяли алоқа компаниялари) томонидан абонент рақамидан фойдаланганлик учун тўловларни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 7-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«7. Абонент рақамидан фойдаланганлик учун тўлов суммаси фойда солиғи бўйича солиқ солинадиган фойдани аниқлашда Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 305-моддасига мувофиқ чегириб ташланади.».

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси билан келишилган.

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 10 майда эълон қилинган.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ахборот технологиялари ва
коммуникацияларини
ривожлантириш вазири**

Ш. САДИКОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 22 апрель,
210-мҲ-сон

Молия вазири

Т. ИШМЕТОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 14 апрель,
1-сон

Келишилди:

*Давлат солиқ
қўмитаси раиси*

Ш. КУДБИЕВ

2021 йил 25 март

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

270 **Йўловчи божхона декларациясини тўлдириш ва расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 10 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2606-6

Ўзбекистон Республикаси Божхона кодекси, «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 сентябрдаги ПҚ–3947-сон «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши кураш бўйича идоралараро комиссияни ташкил этиш тўғрисида» қарорига мувофиқ, шунингдек Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш бўйича молиявий чоралар ишлаб чиқувчи гуруҳнинг (ФАТФ) тавсияларини миллий қонунчиликка имплементация қилиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2014 йил 4 июлдаги 01-02/12-13-сон қарори (рўйхат рақами 2606, 2014 йил 5 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 32-сон, 411-модда) билан тасдиқланган Йўловчи божхона декларациясини тўлдириш ва расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Раис

М. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 15 апрель,
01-02/12-25-сон

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базасида 2021 йил 10 майда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Давлат божхона қўмитасининг 2021 йил
15 апрелдаги 01-02/12-25-сон қарорига
ИЛОВА

**Йўловчи божхона декларациясини тўлдириш ва
расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 2, 7 ва 10-бандлардаги «қонун» деган сўз «қонунчилик» деган сўз билан алмаштирилсин.

2. Қўйидаги мазмундаги 2¹-банд билан тўлдирилсин:

«2¹. Қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ёзма декларацияланиши лозим бўлган жисмоний шахслар томонидан олиб кирилаётган ва олиб чиқиб кетилаётган Ўзбекистон Республикасининг нақд валютаси ва (ёки) нақд чет эл валютаси Декларациянинг ажралмас қисми ҳисобланадиган иловасини тўлдириш ва божхона органи ходимига тақдим этиш йўли билан божхона назоратидан ўтказилади.»

3. 5-банд қўйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Йўловчилар Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг расмий веб-сайти (www.bojxona.uz) орқали Декларацияни чоп этиб қўлда тўлдирилган ҳолда ёки электрон шаклда тўлдириб чоп этган ҳолда, ўз имзолари билан тасдиқлаб божхона органларига тақдим этиши мумкин.»

4. Қўйидаги мазмундаги 7¹-банд билан тўлдирилсин:

«7¹. Декларация иловаси қўйидаги тарзда тўлдирилади:

1-бандда шахс тўғрисида маълумотлар (фамилияси, исми, туғилган саноиси, паспортининг серияси ва рақами) ҳамда транзит ўтиш мамлакатлари номи кўрсатилади;

2-банд божхона чегараси орқали олиб ўтилаётган Ўзбекистон Республикасининг нақд валютаси ва (ёки) нақд чет эл валютаси декларацияловчи шахсга тегишли бўлмаган ҳолларда қўйидаги тартибда тўлдирилади:

а) Ўзбекистон Республикасининг нақд валютаси ва (ёки) нақд чет эл валютаси эгаси ҳақида маълумотлар (жисмоний шахснинг фамилияси, исми);

б) жисмоний шахснинг тўлиқ манзили (давлат номи, маъмурий-ҳудудий бирлиги (ҳудуд, вилоят, туман ва х.к.), аҳоли яшаш пункти ва кўча номи, уй ва хонадон рақами);

в) божхона чегараси орқали олиб ўтилаётган Ўзбекистон Республикасининг нақд валютаси ва (ёки) нақд чет эл валютаси суммаси, номинал қиймати ёки чет эл валютасидаги эквивалент суммаси, валюта номи ва миқдори;

3-бандда тегишли катакларга «Х» белгисини қўйиш йўли билан тўлдирилади ва (ёки) «Бошқалар» қисмида Ўзбекистон Республикасининг нақд валютаси ва (ёки) нақд чет эл валютаси бошқа келиб чиқиш манбаси кўрсатилади;

4-бандда тегишли катакларга «Х» белгисини қўйиш йўли билан тўлди-

рилади ва (ёки) «Бошқалар» қисмида Ўзбекистон Республикасининг нақд валютаси ва (ёки) нақд чет эл валютасининг қайси мақсадларда фойдаланилиши кўрсатилади.».

5. 15-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«15. Декларациянинг 5 ва 6-бандларидаги (товарлар тўғрисидаги маълумотлар қисми) ҳамда иловасининг 2-бандидаги ёзувлар божхона органи ходими томонидан бирор-бир ўзгартириш ва қўшимчалар киритилишини олдини олиш мақсадида узлуксиз чизик билан доирага олинади ҳамда ёзув учун назарда тутилган барча бўш жойлар эса чизиб қўйилади.».

6. 16-бандидаги «Декларациянинг орқа томонига» деган сўзлардан кейин »ва иловасига» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

7. Илова мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг иловасига* мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНДЛИК ВА МЕҲНАТ
МУНОСАБАТЛАРИ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

271 Олий таълим муассасалари бошқарув, техник, хизмат кўрсатувчи ва ўқув-ёрдამчи ходимларининг намунавий штатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил
12 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2859-3*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 сентябрдаги ПФ-5812-сон «Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармонлари, 2019 йил 11 июлдаги ПҚ-4391-сон «Олий ва ўрта махсус таълим тизимида бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2020 йил 28 апрелдаги ПҚ-4699-сон «Рақамли иқтисодиёт ва элек-

* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

** Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 12 майда эълон қилинган.

трон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2021 йил 26 мартдаги ПҚ–5040-сон «Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги 824-сон «Олий таълим муассасаларида таълим жараёнини ташкил этиш билан боғлиқ тизимни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Меҳнат вазирлиги ва Молия вазирлигининг 2017 йил 6 февралдаги 1-2017, 4-қ/қ, 13-сон қарори (рўйхат рақами 2859, 2017 йил 21 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 8-сон, 122-модда) билан тасдиқланган Олий таълим муассасалари бошқарув, техник, хизмат кўрсатувчи ва ўқув-ёрдамчи ходимларининг намунавий штатларига иловага* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Олий ва ўрта махсус
таълим вазири**

А. ТОШКУЛОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 16 апрель,
9-2021-сон

**Бандлик ва меҳнат
муносабатлар вазири**

Н. ХУСАНОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 12 апрель,
20-2021-Қ/Қ-сон

Молия вазири

Т. ИШМЕТОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 7 апрель,
22-сон

* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

272 Тиббий фаолият амалга ошириладиган тиббий ихтисосликлар турлари номенклатурасини тасдиқлаш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил
12 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3303*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 21 июндаги 405-сон «Тиббий фаолиятни лицензиялаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Тиббий фаолият амалга ошириладиган тиббий ихтисосликлар турлари номенклатураси 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар 2-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.
3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

А. ХАДЖИБАЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 12 май,
6-сон

Ўзбекистон Республикаси
соғлиқни сақлаш вазирининг 2021 йил
12 майдаги 6-сон буйруғига
2-ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2017 йил 25 июлдаги 97-сон «Тиббий фаолият амалга ошириладиган тиббий ихтисосликлар турлари номенклатурасини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2908, 2017 йил 28 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 30-сон, 765-модда).
2. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2018 йил

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 12 майда эълон қилинган.

** 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

7 декабрдаги 55-сон «Тиббий фаолият амалга ошириладиган тиббий ихтисосликлар турлари номенклатурасига қўшимчалар киритиш ҳақидаги»ги буйруғи (рўйхат рақами 2908-1, 2018 йил 28 декабрь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 28.12.2018 й., 10/18/2908-1/2389-сон).

3. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2019 йил 15 мартдаги 72-сон «Тиббий фаолият амалга ошириладиган тиббий ихтисосликлар турлари номенклатурасига қўшимча киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2908-2, 2019 йил 5 апрель) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.04.2019 й., 10/19/2908-2/2887-сон).

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат кўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат
рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги
маълумотни маълум қилади

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2021 йил 22 апрелдаги 210-мҳ-сон ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2021 йил 14 апрелдаги 1-сон «Мобиль алоқа хизматларини кўрсатувчи юридик шахслар (уяли алоқа компаниялари) томонидан абонент рақамидан фойдаланганлик учун тўловларни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 7-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори.

2021 йил 10 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2329-7.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитасининг 2021 йил 15 апрелдаги 01-02/12-25-сон «Ўўловчи божхона декларациясини тўлдириш ва расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

2021 йил 10 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2606-6.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 16 апрелдаги 9-2021-сон, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 12 апрелдаги 20-2021-Қ/Қ-сон ҳамда Молия вазирлигининг 2021 йил 7 апрелдаги 22-сон «Олий таълим муассасалари бошқарув, техник, хизмат кўрсатувчи ва ўқув-ёрдамчи ходимларининг намунавий штатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

2021 йил 12 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2859-3.

4. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2021 йил 12 майдаги 6-сон «Тиббий фаолият амалга ошириладиган тиббий ихтисосликлар турлари номенклатурасини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи.

2021 йил 12 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3303.

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2017 йил

25 июлдаги 97-сон «Тиббий фаолият амалга ошириладиган тиббий ихтисосликлар турлари номенклатурасини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2908, 2017 йил 28 июль), шунингдек, унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 2908-1, 2018 йил 28 декабрь), (рўйхат рақами 2908-2, 2019 йил 5 апрель).

2021 йил 12 майда давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.